

Шукр қилувчиларга мукофот тайин

Мусулмон кишига ато этилган энг буюк неъматлардан бири, шубҳасиз, иймондир. Иймон банданинг Аллоҳ таоло ҳузуридаги мавқенини оширади. Иймонли инсон Ватанини севади, яқинларига яхшиликлар қилиб, силаи раҳмда бўлади. Она юрт тинчлиги ва осойишталигини асрраб-авайлашга интилади.

Буюк бобомиз Абу Бакр Қаффол Шоший ўзининг машхур “Жавомиул калим” китобида келтиришича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Неъматлар ҳақида гапириши шукр қилишидир”**, деганлар.

Демак, бугунги осойишта ва фаровон кунларимизнинг қадрига етишимиз лозим. Айниқса, униб-ўсиб келаётган ёшларимизга бу неъматнинг мазмун-моҳиятини етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсин, она-Ватанимиз тинч ва осуда, юртдошларимиз эса дориламон кунларда баҳту иқболини, фарзанду набиралари камолини кўриб яшамоқдалар.

Бугун юртимизнинг қайси бурчига бормайлик, улкан бунёдкорликлар ва катта ўзгаришларга гувоҳ бўламиз. Айниқса, бири-биридан замонавий масжидлар, тарихий ёдгорликлар янгидан чирой очиб, жаҳон аҳлини ўзига мафтун этмоқда.

Барпо этилаётган кўплаб замонавий масжидлар сўнгги технологиялар ва қуёш панеллари билан жиҳозланмоқда.

Охирги беш йилда мамлакатимизда 385 та масjid ва 633 та таҳоратхона тўла қайта қурилди, 487 та масjid ва 517 та таҳоратхона таъмирдан чиқарилди. Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида янги масжидларнинг 4 таси намозхонлар хизматига топширилди. Шунингдек, 37 та масjid қайта қурилиб, 20 таси тўла таъмирланди.

Сўнгги беш йилда учта диний таълим муассасаси – Бухорода Мир Араб Олий



мадрасаси, Самарқандда Ҳадис илми олий мактаби ва Сурхондарёда Имом Термизий мадрасаси таъсис этилди. Энг катта хурсандчиликлардан яна бири бу йил 15 минг нафардан зиёд юртдошимиз муборак ҳажамалларини адо этиб қайтди.

Муҳтарам Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, умра зиёратига борувчиларнинг чекланган квотаси олиб ташланди. Жорий йилнинг ўзида юртимиздан юз мингдан ортиқ одам умра зиёратига бориб келди.

Давлатимиз раҳбарининг “Марҳум шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохонни “Олий Даражали Имом Бухорий” ордени билан мукофотлаш тўғрисида”ги ҳамда “Марҳум шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфни “Олий Даражали Имом Бухорий” ордени билан мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонлари юртимиз маърифий ҳаётида улкан воқелик бўлди. Бугун инсон қадри улуғланаётган янги Ўзбекистонда уларнинг беназир хизматлари юксак эътироф этилмоқда.

Республикамиз бўйлаб Куръон курслари кўпаймоқда. Қисқа фурсат ичida минглаб юртдошларимиз Куръони каримни тажвид билан ўқиш имкониятига эга бўлишиди.

Албатта, бу каби ободончиликларнинг ҳаммаси улуғ неъматлардир. Уларнинг қадрига етиш, шукрини адо этиш йўлида яхши амалларда ғайратли ва бардавом бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раиси, муфтий

Исломда таркидунёчилик йўқ

Исломда инсонни хўрлайдиган, мажбурлайдиган, ҳаётини азобга айлантирадиган буйруқ, қоидалар йўқ. Аллоҳга ибодат ниятида таркидунё қилиш, ўз жисмига азият бериш, уйланмаслик, таом ва уйқудан воз кечиш кабиларни Пайғамбаримиз алайҳиссалом ман этганлар. Зоро, ибодатлар машаққат, ташвиш эмас, балки маънавий ҳаловат баҳш этиб, Аллоҳга яқинлаштирувчи амал бўлганидагина маъно касб этади.

Шунинг учун “Динда зўрлаш йўқ” (*Бақара сураси, 256-оят*). Ташқаридан қанчалик мукаммал кўринмасин, ихлос билан қилинмаган амал Аллоҳ хузурида ҳеч қандай қийматга эга эмас.

Ислом одамни азбламайди, шу билан бирга, банда ўзини ўзи азоблашига ҳам изн бермайди. Ояти каримада айтилади: «Айтинг: Бандалари учун чиқарган Аллоҳнинг зийнатини ва пок ризқларни ким ҳаромга чиқарди?» (*Аъроф сураси, 32-оят*). Бундан биламизки, соғлом руҳиятдаги инсон истифода этиши мумкин бўлган барча моддий ва маънавий завқлар энг мукаммал кўринишда динимиз кўрсатган ҳалоллар доирасида мавжуддир. Ҳаддидан ошиб, ҳаром йўллар ва нарсалардан завқ ахтарадиганлар руҳияти бузуқ, йўлдан озган кимсалардир. Улар диний кўрсатмалар бўйича яшашни имконсиз деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, Ислом фитрат динидир, у инсоннинг табиий эҳтиёжларини ҳалоллик билан қондириш йўлларини кўрсатиб берган.

Ибодатлар Аллоҳ таоло томонидан белгиланди ва Расули томонидан улар миқдори амалиётга татбиқ этилди. Аллоҳ таоло белгилаган ўлчовлар дахлсиз. Уларга аралашиб, орттириш ёки камайтириш айни ҳалокатдир.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом рўза-дорнинг ифтор қилмасдан, шом намози ўқишини маъқул кўрмаганлар. Зоро,

Аллоҳнинг бир буйругини адо этиш учун бутун кун нафсини тийган одамни ифторлик пайтида иккинчи қийинчиликка солиш ўринсиздир. Баъзи уламолар бундай дейди: “Аллоҳ таолонинг розилиги ва муҳаббати ўзига ўзи бефойда азоб бериш, жонини мashaққатга қўйишида эмас”. Шунга кўра, қиши кунларида иссиқ сув туриб, савоби кўп бўлсин, дея совуқ сувда таҳорат қилиш, ёнида масжид туриб узоқдаги жомега бориш ярамайди.

Ислом енгиллик устига барпо қилинган. Лекин бу ҳамма нарса мумкин ва ўзбошимчаликка рухсат, деганимас. Енгилликнинг ҳам чегараси бор. Қуръони каримда қуидаги огоҳлантиришга дуч келамиз: “Бу Аллоҳнинг чегаралариридир. Ким Аллоҳ чегараларидан тажовуз қилиб ўтса, демак, у ўзига зулм қилибди” (*Талоқ сураси, 1-оят*).

Киши ифрат – ибодатда ҳаддан ошиш ва уни бўрттириб кўрсатишга ёки тафрит – ибодатга енгил қараш ва бепарво бўлишга йўл қўйиши билан ўзига зулм қиласи. Расулуллоҳ алайҳиссалом ибодатда ҳам мўътадилликка чақирганлар. Хасталик ёки сафар асноси намоз, рўза каби ибодатларда берилган енгилликдан фойдаланмасликни, ўзини қийнаб нафл намоз ўқишини маъқул кўрмаганлар. Намозни чўзган имомни танқид қилганлар.


У кишининг ҳузурларига бир бадавий келиб, Ислом шартларини сўради. У зот алайҳиссалом шаҳодат калимаси, беш вақт намоз, Рамазон рўзаси, нисобга етган молдан закот бериш ва қодир бўлса, умрида бир марта ҳаж қилишини санаб ўтдилар. Бадавий: “Сизга икром этган Аллоҳга қасам, шу санаганларингиздан оширмайман ҳам, камайтирмайман ҳам”, деди ва кетди. Пайғамбар алайҳиссалом дедилар: “Агар айтганига вафо қилса, најсом топади” (*Муттафақун алайҳ*).

Абдулвоҳид ИСОҚОВ,


Намангандаги
“Мирёқуббой Мирҳакимбой” жоме
масжиди имом-хатиби

Мундарижа

| | |
|-----------------------------------|----|
| Муносабат | |
| Шукр құлувчиларга мукофот тайин | 1 |
| Таянч нұқта | |
| Исломда таркидуңөчилік йүқ | 2 |
| Тағсир | |
| Дуода азму қарорлы бўлайлик | 4 |
| Огоҳлик – давр талаби | |
| Фитна – кўз илғамас хатар | 6 |
| Маънавий мерос | |
| Абул Баракот Насафий ва унинг | |
| “Канзуд дақоиқ” асари | 9 |
| Бизнинг сұхбат | |
| Китобсевар талаба интилувчан | |
| раҳбар бўлади... | 10 |
| Иzzатингдан айрилма | |
| Имтиҳоннинг зўри | 12 |
| Ҳадис шарҳи | |
| Сурма кўзни ўтқир қиласи | 13 |
| Динимизни ўрганамиз | |
| Тарика: дағн ҳаражатлари, | |
| қарзларни узиш | 14 |
| Мактубларда манзаралар | |
| Онам ҳаёт бўлсади... | 15 |
| Саҳобалар ҳаёти | |
| Абу Бакра Сақафий | 16 |
| Тазкия | |
| Икки ҳамд ила Аллоҳнинг | |
| розилиги | 17 |
| Масала | |
| Сўраган эдингиз... | 18 |
| Аслида қанақа? | |
| “Валий сонго” силсиласи | 20 |
| Ақида | |
| Қазои қадарга иймон | 22 |
| Убудият | |
| Аразлашиш уч кун | 23 |
| Бугуннинг гапи | |
| Ҳар ерни қилма орзу... | 24 |
| Куръони карим баракоти | |
| Бўйрачининг бир бош “узуми” | 25 |
| Шеърият | |
| Оят-ҳадисларга қулоқ солдингми?.. | 26 |
| Улуғлар ўғити | |
| Муножот | 27 |
| Дунёдан дарақлар | |
| Ислом ва олам | 28 |
| Саодат асрига саёҳат | |
| Асиirlар ҳақида | |
| музокара | 30 |
| Минтақа | |
| Мавритания – соғ араб тили | |
| сақланган ўлка | 32 |



Журналда оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!



“Раббингизга зорланиб ва хуфёна (овозсиз) дуо қилингиз! Зоро, У (дуода ва бошқада) ҳаддан ошувчиларни ёқтиргмагай” (Аъроф сураси, 55-оят).

Дуода азму қарорли бўлайлик

Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда қуидагилар баён қилинади: «Одамлар баланд овоз билан дуо қилган эдилар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Эй одамлар! Ўзингизга шафқат қилинг, сизлар кар ёки узоқдаги Зотга дуо қилаётганингиз йўқ. Сиз дуо қилаётган Зот энг яхши эшиштгувчи ва энг яқин Зотдир”*, деганлар» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Муборак Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳнинг қуидаги сўзлари ни келтиради: “Бир киши Қуръонни жамлаган бўлса ҳам, одамларга билдиrmас эди. Бир киши фиқҳдан жуда кўп нарсани билса ҳам, одамларга билдиrmас эди. Бир киши кечаси уйида узундан-узоқ намоз ўқиб чиқса ҳам, меҳмонларига билдиrmас эди. Биз шундай одамларни кўрдикки, улар маҳфий қилиш имкони бўлган ишни ҳеч қачон ошкор қилмас эдилар. Мусулмонлар дуога кўп уринар эдилар. Товушлари ҳеч эшитилмасди. Уларнинг дуоси Раббиларига пичирлашдан иборат бўлар эди”.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Аллоҳ таолога ҳеч бир нарса дуодан қўра севимлироқ эмасдир”* деганлар (Имом Термизий ривояти).

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда «Қиёмат куни Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аршининг ёнида сажда қилиб, то сўрашга изн берилгунича Аллоҳ таолога узун ҳамду сано айтиб турадилар. Аллоҳ таоло у зотга изн бериб: *“Эй Муҳаммад! Бошингизни кўтаринг, гапиринг, гапингиз эшитилади, сўранг, сизга ато қилинади, шафоат қилинг, шафоатингиз қабул қилинади”* деб марҳамат қилинади” дейилган» (Имом Муслим ривояти).

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Токи Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ва у зотни оиласларига салавот айтилмас экан, барча дуо тўйсилгандир”, деганлар (Имом Табароний ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Сиз-*

лардан бириңиз ҳаргиз: “Эй Аллоҳим, агар хоҳласанг, мени мағфират қилгин, хоҳласанг, менга раҳм қилгин” демасин. Дуода азму қарорли бўлсин. Аллоҳ Ўзи хоҳлаганини яратади. Уни мажбур қилувчи йўқдир», деганлар (Имом Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Аллоҳ ижобат қилишига аниқ ишонган ҳолда дуо қилинглар, билингларки, ғофил, беэътибор қалбдан Аллоҳ дуони қабул қилмайди**”, деганлар (Имом Термизий ривояти).

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Ўзингизга зарар етишини сўраб дуо қилманглар, фарзандингизга зарар етишини сўраб дуо қилманглар, хизматчингизга зарар етишини сўраб дуо қилманглар, молингизга зарар етишини сўраб дуо қилманглар, (тағин) Аллоҳ таоло сўралган нарсалар ато қилинадиган ижобат соатига мувофиқ келиб қолмангларки, сизларни зарарингизга ижобат қилиб қўяди**”, деганлар (Имом Абу Довуд ривояти).

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Ўлим сўраб дуо қилманглар, уни ҳаргиз тиламанглар, агар ким дуо қилишига мажбур бўлиб қолса, “Аллоҳим, ҳаёт мен учун хайрли бўлса, мени ҳаётда қолдиргин, агар вафот этиш мен учун хайрли бўлса, мени вафот эттиргин” десин**», деганлар (Имом Насоий ривояти).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган хабарда айтилади: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмонлардан бир беморни зиёрат қилдилар. Бемор жуда ночор ҳолатда эди. Унга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Бирор нарса тўғрисида дуо қилдингми?**» ёки “**У зотдан бирор нар-**

сани сўрадингми?” деганлар. Ҳалиги бемор: “Ҳа, мен: “Аллоҳим, менга охиратда берадиган жазоингни (бу) дунёда тезроқ бергин”, деб дуо қилган эдим”, деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Субҳоналлоҳ! Унга тоқатинг етмайди-ку, ахир уни кўтара олмайсан-ку?**” (Унинг ўрнига) “**Аллоҳим, бизларга дунёда ҳам яхшиликни, охиратда ҳам яхшиликни ато қилгин ва дўзах азобидан асрагин**” деб айтмадингми?” деганлар. У Аллоҳ таолога (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўргатганлариdek) дуо қилган эди, Аллоҳ унга шифо берди» (Имом Муслим ривояти).

Алло таоло бизга: “**Менга дуо қилингиз, Мен сизлар учун (дуоларингизни) ижобат қилай!..**” (Ғоғир сураси, 60-оят) деб таълим берган, дуо қилишимиз ва дуо олишимизни амр этган.

Дуолари ижобат бўлишга яқин зотлар динимизда асосан ота-оналар, солих, обид инсонлар, устозлар, ёши улуғ кексалар, муҳтожлар, мазлумлар, етимлар, bemорлар, мусофиirlар дея таъкидланади. Ой ва кунлар орасида дуолар мустажоб бўладиган махсус вақтлар ҳам борки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буларнинг баъзиларини айтиб берганлар. Жумладан, аzon билан иқомат орасида, саҳар вақтида, жума кунида, Шаъбон ойи туннинг ярмида, Рамазон ойида, ифтор ва саҳарликда, Қадр ва Арафа куни кечаларида, ҳайит кунларида, Қуръон хатм қилинганида, таҳажжуд намози ва кундалик фарзлардан сўнгги, кечанинг ярмидаги, шунингдек, икки Ҳарамда, тавоғ вақтида, Ҳажарул Асвад ва Мақоми Иброҳимда, Ҳатимда, Арафот, Мино, Муздалифа каби муқаддас масканларда қилинган дуоларнинг шартлари бажарилган тақдирда, ижобат бўлишига шубҳа йўқ.

Абдулҳай ТУРСУН,
Наманган вилояти бош имом-хатиби

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раиси, муфтий

Замонамизнинг таниқли катта олимларидан бири шайх Тақий Усмоний ҳафизаҳуллоҳ “Фиқхул воқеъ”га алоҳида

Фитна – кўз илғамас хатар

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

ВОҚЕЛИК ФИҚҲИ

Шариат илмлари, хусусан, Ислом фиқҳи билан шуғулланувчи ҳар бир киши воқелик фиқҳини яхши билиши лозим. Воқелик фиқҳи шариат ҳукмларини яхши англаганидан сўнг, уни тӯғри татбиқ этиш учун муҳим дастак ҳисобланади. Воқелик фиқҳи ҳам алоҳида мавзуу бўлиб, тадқиқотни талаб қиласди. Шунинг учун бу китобимизда мавзуга доир қисми билан танишамиз, холос.

Ҳанафийлар шайхи, аллома Қозихон¹ раҳматуллоҳи алайҳнинг “Фатовои Қозихон” китобида (1/209) “Таровеҳдаги қироатнинг миқдори” ҳақида гапирганидан сўнг, бундай дейди: Баъзи машойихлардан ривоят қилинади: **“Замона аҳлини билмайдиган киши жоҳилдир”**².

Абу Саид Ходимий Ҳанафий “Бариқа”да (3/126): **“Воиз ва фатво берувчилар халқнинг ҳолини билишлари, уларнинг қабул қилиш ва инкор этишлари, интилишу дангасалик ва шунга ўхшаш нарсалардаги одатларини билишлари лозим”**.

Айтилганидек, ҳар бир жойнинг ўз сўзи ва ҳар соҳанинг ўз одами бор. Ўз замонасидаги халқнинг урф-одатини билмаган киши жоҳилдир. Чунки Зайлаъий раҳматуллоҳи алайҳдан тушунилганидек, ҳукмлар замон ва шахсларнинг ўзгариши билан ўзгаради.



урғу беради ва бу борада доим Ибн Обидин раҳматуллоҳи алайҳнинг “Раддул муҳтор” асари (5/359) “Қозилик китоби”да келган қуидаги нақлни келтиради: **“Замонанинг ҳолатини билмаган киши жоҳилдир”**.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, илмли кишилар, аввало, ўзлари ҳолатни тӯғри баҳолаб, уни тӯғри таҳлил қила олишлари ва шундан келиб чиқсан ҳолда мулоҳаза юритишлари лозим. Уларни баён қилишда

эса унинг олтин қоидаларига амал қилиш даркор. Сўзлашнинг олтин қоидалари жой, ҳолат ва миқдорни ҳисобга олиш билан бўлади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, қаерда, қандай ва қанча гапиришни билиш лозим. Мана шу қоидалар бузилган тақдирда кўпинча турли ноқулайлик ва келишмовчиликлар келиб чиқади. Бу эса фитнага сабаб бўлади.

ГУНОҲНИ ТАРҚ ҚИЛИШ МУҲИМРОҚДИР

Фасодни кетказиш фойдани жалб қилишдан олдин туради. Фиқҳда бу қоидага жуда катта боб ажратилиб, бир қанча ҳукмларга асос бўлади.

“Фасодни кетказиш фойдани жалб қилишдан устундир”.

Бу қоидага кўра, бир жойда фасод билан фойда тўқнаш келса, дастлаб ишни фасодни кетказишдан бошлаш керак.

¹ Аллома Қозихон (хижрий 592 йилда вафот этган), шунингдек, Зоҳидий “Рамазон фазилатлари”да, Ҳаскафий “Ад-Дурр ал-муҳтор”да (2/47), Ибн Обидин “Раддул муҳтор”да (3/724) шайхул машойих аллома Соиҳонийдан бироз фарқли иборалар билан ривоят қилган. Олусий “Руҳул маъоний”да ва Таҳтовий “ал-Марақий”нинг ҳошияси (415-саҳифаси)да шунга ўхшаш нақлни келтирган.

² Ушбу тўқ рангда ёзилган жумлалар Имом Биркивийнинг “ат-Торикотул муҳаммадия” китобидан. Ундан кейинги ингичка-ётиқ ёзувда берилган матн эса, унинг энг машҳур шарҳи Имом Ходимий қаламига мансуб “Бариқа” китобидан олинди.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Сизларга бир нарсани буюрсам, уни олинглар. Сизларни бир нарсадан қайтарсам, ундан четда бўлинглар”*», дедилар» (Имом Ибн Можа ривоят қилган).

Бошқа ривоятда эса: *“Сизларга бир нарсани буюрсам, қудратингиз етганича қилинглар”*, дейилган.

Яъни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу ҳадиси шарифда: Сизларни бир нарсадан қайтарсам, қўлингиздан келганича, қурбингиз етганича, имкониятингиздан келиб чиқиб, ундан қайтинглар, демадилар, балки “қайтинглар”, дея мутлақ айтдилар. Гуноҳдан қайтиш тоқатга боғланмади. Шундан маълум бўладики, инсон фасодни дарҳол кетказиши ва ундан зудлик билан қайтиши лозим. Шу ўринда зарарни кетказиш фойдани жалб қилишдан устун қўйилади. Заар кетказиб олинса, фойда ўз-ўзидан жалб қилинган бўлади. Ҳатто бу фиқҳий қоида халқимизнинг кундалиқ ҳаётида кўп қўлланадиган иборага айланиб улгурган – “Касални даволагандан қўра унинг олдини олган яхшироқ”.

ХУТБАДА КИШИЛАР НОМИ АЙТИЛМАЙДИ

Хутба³ воиз ва хатиблар учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қолган энг гўзал суннатдир. Хатиб ёки воиз хутба қиласар экан, бу борада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кўрсатган йўл-йўриқлари ни билиши ва унга амал қилиши лозим. Шунда ул зотнинг суннатларига эргашган бўлади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам диний асослар ва долзарб мавзуларда хутба қиласар экилар. Ислом асослари, шариат қонун-қоидаларини таълим бериб, одамларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарардилар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хутбаларидан кўзлар ёшга, қалблар эса имон ҳаловатига тўларди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одатда хутбани қисқа, намозни узоқ ўқирдилар. Бу Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда ҳам сабит.

Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади. «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитганман. У зот: *“Кишининг намози узун, хутбаси қисқа бўлиши унинг фиқҳидан далолатдир. Бас, намозни узоқ, хутбани қисқа қилинглар. Дарҳақиқат, сўзда сеҳр бор”*, дедилар» (Имом Муслим ривоят қилган).

Хутба одамларга динимиз ҳукмларини тушунириш, уларни савоб ва хайрли амалларга йўллаш, тарбия ҳамда одоб-ахлоқ масалаларини эслатиш ва етказиш учун жорий қилинган. Хатибнинг вазифаси эса, бу омонатни қулай фурсат сифатида ҳис этиб, бу ишга ихлос билан ёндашмоқ лозимлигини англатишидир.

Хатиб бу ишда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни ўзига ибрат ва ўрнак деб билиши керак. Аллоҳ таоло айтади: *“Батаҳқиқ, сизлар учун, Аллоҳдан ва қиёмат кунидан умидвор бўлганлар учун ва Аллоҳни кўп зикр қилганлар учун Расулуллоҳда гўзал ўрнак бор эди”* (Аҳзоб сураси, 21-оят).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одатлари хутба асносида одамларнинг исмларини айнан айтмасдилар. Ҳатто у зотнинг суннатларига зид иш қилган бўлса ҳам, унга индамасдилар. *“Одамларга нима бўляптики, мана бундоқ, мана бундоқ демоқдалар...”* қабилида гапирадилар. У зотнинг шахсиятларни зикр этмасликларида жуда кўп ҳикмат ва фойдалар бор. Бу ҳолат жуда кўп ҳадисларда ворид бўлган.

Абу Ҳумайд Соъидий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аздлик Ибн Латбия исмли бир кишини закот ийғувчи қилиб тайинлаганларида, у келиб: “Булар сизларга, мана буларни

³ Хутба – бир жамоа инсонларга етказиш учун маҳсус сифатларга эга бўлган ваъз-насиҳат, амри маъруф ва наҳий мункарлар мажмуаси.

эса, менга ҳадя қилишди”, деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарга кўтарилиб, Аллоҳга ҳамд айтгач: “*Аллоҳга қасамки, сизлардан бирон киши ҳақи бўлмаган бирон нарсани олса, у қиёмат кунида ўша нарсани кўтарган ҳолда Аллоҳга дуч бўлади. Сизлардан ҳеч бирингизнинг бўкираётган туя ёки маъраётган сигир ё маъраётган қўйни кўтариб, Аллоҳга дуч келганини кўрмайин*”, дедилар. Кейин қўлтиқларининг оқи кўринадиган даражада қўлларини кўтариб: “*Эй Аллоҳум, етказдимми?*” деб айтдилар» (Имом Бухорий ривояти).

Ушбу ҳадисда одамлардан йиғилган закот моллари ҳали тақсимланмай туриб, эгаллаб олишга уринган кишилар ҳақида гап кетмоқда. Бундан хабар топган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дарҳол хутба қилдилар. Хутбалари умумий бўлди. Бундай ишни қилганлар қиёмат кунида ўша нарсани бўйнида кўтарган ҳолда келишларини айтдилар. Лекин ўша ишни қилганлар кимлигини ва исмларини ошкор этмадилар.

Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ишни қилиб, унга рухсат бердилар. Бироқ айрим кишилар ундан тийилишга уринди. Бунинг хабари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга етгач, у зот хутба қилдилар. Аллоҳга ҳамд айтгач: “*Одамларга нима бўлдики, мен қилаётган ишдан ўзларини тортмоқчи бўладилар?! Аллоҳга қасамки, мен улар ичиди Аллоҳни билувчироқ ва Ундан қўрқувчироқман*”, дедилар» (Имом Муслим ривояти).

Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бирор киши ҳақида хабар келса, “*Фалончи нима деяпти?*” демасдилар. Балки, “*Одамларга нима бўляптики, мана бундоқ демоқдалар...*” дер эдилар» (Имом Абу Довуд ривоят қилган).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Уч кишилик гуруҳ Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг завжаларининг уйларига у зотнинг ибодатлари ҳақида сўраб келди. Бас, уларга

хабар берилганида худди у (ибодат)-ни оз санагандай бўлдилар. Шунда улар: “Биз қаёқда-ю, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қаёқдалар, у зотнинг ўтгану қолган гуноҳлари мағфират қилинган”, дедилар. Улардан бири: “Мен умрбод тунларни намоз ўқиш билан ўтказаман”, деди. Бошқаси эса: “Мен умрбод рўза тутаман, оғзим очиқ юрмайман”, деди. Яна бошқа бири: “Мен аёллардан четда бўламан, ҳеч қачон уйланмайман”, деди. Бу гап Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга етгач, Аллоҳга ҳамду сано айтдилар, сўнг: “*Одамларга нима бўлдики, мана бундоқ демоқдалар...*”, лекин мен намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам, рўза ҳам тутаман, оғзим очиқ ҳам бўлади ва аёлларга уйланаман ҳам. “*Бас, ким менинг суннатимдан юз ўғирса, мендан эмас*”, дедилар» (Имом Бухорий ривоят қилган).

Куйидаги ҳадисда олдинги ҳадисда келмаган маънолар бор.

Анас розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир қанча асҳоблари у зот соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг завжаларидан у зотнинг ошкор бўлмаган амаллари ҳақида сўрадилар. Улардан бири: “Аёлларга уйланмайман”, деди. Бошқа бири: “Гўшт емайман”, деди. Яна бири: “Кўрпада ухламайман”, деди. Шунда у зот: “*Одамларга нима бўлдики, бундоқ, бундоқ, дейшишибди?! Лекин мен намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам, рўза ҳам тутаман, оғзим очиқ ҳам юраман, аёлларга уйланаман ҳам. Ким менинг суннатимдан юз ўғирса, мендан эмас*”, дедилар» (Имом Муслим ривоят қилган).

Бу ҳақда бошқа ҳадислар ҳам мавжуд. Ҳадисларда келган шундай ибрат ва қўрсатмаларга саҳобалар, тобеинлар, табаа тобеинлардан бизнинг асримизгача ўтган барча азизларимиз гўзал амал қилиб келганлар. Улар ўз хутбаларида шахслар номини айтмаганлар. Маълумки, минбар ёки меҳроб туҳмат, бўхтон, уят ва турли нотўғри гапларни айтадиган жой эмас. Балки бу муборак жой омонатлар энг гўзал тарзда етказиладиган масъулиятли ўринидир.

(Давоми келгуси сонда.)



Абул Баракот Насафий ва унинг “Канзуд дақоиқ” асари

**Хофизуддин Абул Баракот
Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд
Насафий забардаст олимлар-
дан бўлиб, 1232 йилда кўхна
Насаф шаҳрида таваллуд топ-
ган. У беназир фаҳих, ҳадис ва
Куръон илмларида комил бўл-
гани манбаларда келтирилган.**

Олим яшаган даврда Насафдаги мада-
ний ва иқтисодий ҳолат таназзулга юз тут-
ган эди. Чунки бу даврда Мовароуннаҳри
мўғуллар Чифатой улуси таркибида бош-
қарган эди. Айнан шу даврни тарихчилар
“Шарқ таназзули” деб ҳам атайди.

Насафийнинг умумий ҳисобда 13 та ил-
мий асари бор. Уларнинг барчаси бизгача
етиб келган. 5 таси фиқҳ, 4 таси қалом, 3
таси усуул фиқҳ, 1 таси тафсир илмига
бағишиланган. Бу асарларнинг 6 таси нашр
этилган.

Муаллифнинг асарлари ичida “Канзуд
дақоиқ” китоби ҳанафий фиқҳи бўйича
муҳим манба ҳисобланади. Мазкур асар
алломанинг “ал-Вофи” фил фуруъ” асари-
нинг қисқартирилган шакли. Уламолар бу
асарни ҳанафий мазҳабида Бурҳониддин
Марғинонийнинг “Ҳидоя” сидан кейинги
ўринга қўшишади.

Насафий “Канзуд дақоиқ” муқаддима-
сида асарнинг ёзилиш сабабини бундай
изоҳлайди: «Кишиларнинг ҳиммати па-
сайиб, муҳтасарга мойил, узундан-узоқ
асарларни табиатлари кўтармайдиган

бўлиб қолганини кўрганимдан кейин “ал-
Вофи” учун умумий ва келиб чиқиши
бир бўлган масалаларни танлаб олдим.
Зоро, бу ҳолатда фойдаланиш учун қулай
ва мурожаат қилиш осон бўлади. Фозил-
ларнинг улуғларидан бир жамоа илтимос
қилганидан кейин, имкониятим чекланган
бўлса ҳам, уни ёзиб тугатдим ва “Канзуд
дақоиқ” деб атадим».

“Канзуд дақоиқ” асари мадрасаларда
дарслик сифатида ўқитиб келинган. Шу-
нинг учун унга ўнлаб шарҳлар битилган.
Бундай шарҳларнинг кўплиги ушбу асар-
нинг нақадар машҳурлиги ва ҳанафий
мазҳабида мўътабар манба эканлиги ҳамда
ҳанафий фиқҳи ривожида ўрни бекиёс экан-
лигидан далолат беради.

Уламолар бу асарни “Мухтасарул Қу-
дурий”дан кейинги мўътабар манба де-
йишади. Афсус, мўғуллар тазиики остида
Насафий умрининг охирларида ватани-
дан узоқда бўлгани сабабли унинг асари
“Мухтасарул виқоя” асари сингари Мова-
роуннаҳра оммалашмади. Шундай бўлса-
да, ҳанафий мазҳаби тарқалган ҳамда
мазҳабларни қиёсий ўрганадиган илм мас-
канларида асар ҳозирги кунгача дарслик
сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Шунга кўра, алломанинг мазкур асарини
таржима ва тадқиқ қилиш ҳамда бой ме-
росини халқимизга етказиш бугунги кунда
муҳим аҳамият касб этади.

Нуриллахон МУКАРРАМХОНОВ

Китобсевар талаба интилувчан раҳбар бўлади...



Одам боласининг чинакам инсон бўлиб улғайшида эзгу омилларнинг ижобий таъсири синалган ҳақиқатдир. Жумладан, китобхонлик, китобни дўст тутиш туфайли инсон қалбида ҳам, умрида ҳам янги, юксак уфқлар очилиши шубҳасиз. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори, моҳир таржимон, қўп ийллар нуфузли ташкилотларда раҳбар бўлиб самарали ишлаган Шоазим Миноваров билан сұхбатимиз шу мавзудаги фикрлар, хотиралар билан бошланди.

- Ассалому алайкум, муҳтарам Шоазим ака, аввало, қандай оиласда дунёга келганингиз, болалигинги қандай ўтгани, китоб билан қай йўсинда ошно бўлганингиз ҳақида гапириб берсангиз.

– Эшонгузарда таваллуд топганман. Отам Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлаган. Онам уй бекаси бўлиб, бизнинг тарбиямиз билан шуғулланганлар. Уйимизнинг ёнгинасидаги 45-мактабни кумуш медаль билан тамомладим. Очифи, ёшлиқдан китоб ўқишни жудаям яхши кўраман. Эҳтимол, бунга биринчидан ҳар қандай ёш инсонда ниманидир кашф қилишга интилиш кучлилиги сабаб бўлгандир. Умуман, дунёни, ҳайратли оламини китоблардан ўқиб ўргангандиз. Даниель Дефонинг “Робинзон Круzonинг ҳаёти ва ажойиб саргузашлари”, Жюль Верннинг “Капитан Грант болалари” каби романлар дунё ҳақидаги тасаввурларимизни бойитган бўлса, Ғафур Ғулом, Ойбек, Сайд Аҳмад, Одил Ёқубов каби забардаст ёзувчиларимизнинг асалариidan инсонлар тақдири, одамийлик, башариятга хос фазилатлар ҳақида тасаввурга эга бўлганмиз. Бошқаларда қандай билмадим-у, аммо менга ҳар битта китоб ҳозиргacha жиддий таъсир қиласди.

Китоб муҳитига кираман, қаҳрамонлар билан бирга яшайман. Ўқисам ҳам, таржима қилсам ҳам шундай. Талабалик йилларимда ўқиганларим: Шукур Холмирзаевнинг “Ўн саккизга кирмаган ким бор”, Ҳабиб Нўймоннинг “Ёшлиқда берган кўнгил” қиссалари, Шухратнинг “Олтин зангламас”, Пиримқул Қодировнинг “Уч илдиз”, Асқад Мухторнинг “Туғилиш” каби романлари навқирон ёшлиқ бағрида бизни ажиб туйғуларга ошно қилган асалардир. Мен телевизор, интернет китобни сиқиб чиқаради, шунга кўнишибиз керак, деган гапга қўшилмайман. Бизда ҳам мутараққий давлатлардаги каби юзлаб нашриётлар фаолият кўрсатишини ва аҳолимизни турли-туман китоблар билан таъминлашини хоҳлайман. Интернет бу – жуда катта имконият. Ундан тўғри фойдаланилса, яхши натижা беради. Лекин китоб барибир китоблигича қолади...

- Француз тилига қандай қизиқиб қолганингизни эслайсизми?

– Мактабда француз тили ўқитувчимиз бўларди, аёл киши эди. Ушбу тилни танлашимида ўша ўқитувчимиз катта роль ўйнади. Мактабдан кейин ҳозирги ЎзМунинг хорижий филология факультетига француз

тили ва адабиёти йўналиши бўйича ўқишига кирдим. Дорилфунунда кўплаб ажойиб устозлардан таълим олдим. Уларнинг ҳар бирини жуда катта эҳтиром билан эслайман. Жумладан, Гайбулла ас-Салом, Нажмиддин Комилов, Талъат Солиев каби етук устозлар қўлида билимимни оширдим. Ёзувчи Раҳмат Файзийнинг қизи Вилоят опа Файзиева, Ҳамид Олимжоннинг қизи Ҳулкар опа Олимжоновадек чинакам зиёли инсонларнинг талабаси бўлдим. Улардан бир умрга миннатдорман. Таржимага астойдил қизиқардим, лекин биринчи марта таржималаримни нашриётга олиб борсам, “Француз тилидан қилдингизми? Бизда баҳо берадиган одам йўқ, рус тилидан қилиб келинг, кейин кўрамиз”, дейиши. Ундай бўлса, французчадан қилганимнинг нима маъноси бор, деб ҳафсалам пир бўлган.

- Хорижда орттирган тажрибала- рингиз ҳақида тўхтамсанги.

– 1991 йил 31 августда мустақилликни эълон қилиш тўғрисида Парламент қарори қабул қилинган бўлса, 3 сентябрь куни француз тилидан таржимон сифатида Ислом Абдуғаниевичнинг хузурида эдим. Шу бўйи, то умрларининг охиригача, бошқа ишларим билан бирга у кишига шу тилдан таржимонлик қилдим. Ҳозирги Президентимизга ҳам Францияга биринчи ташрифлари чоғида таржимон сифатида хизмат қилиш шарафига муюссар бўлдим.

Ҳаётимнинг 15 йили хорижда ўтди. “Мусоғир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан” дейдилар. Инсоннинг тўлақонли шакл-

ланиши учун, албатта, мусоғирчилик фойдали бўлади. Аввал ўз юртини яхшилаб ўрганиб, кейин хорижга чиқиш ёшларнинг ҳар томонлама шаклланишида катта роль ўйнайди, деб ўйлайман. Энг оддийгина, самолётларга чиқиш, саёҳат қилиш маданиятидан тортиб, бегона юртларнинг қонунлари, ҳалқининг одатларини ўрганиш, инсонларини кўриш, фойдали хуносаларга келиш, дўстлар орттириш, булар ҳам ўзига хос илмлардир. Юрган – дарё, деб бекорга айтилмаган, ҳар битта саёҳат одамга жуда кўп нарса беради.

- Ўзбекистондаги Ислом цивилиза- цияси марказига раҳбар этиб тайинлан- ганингизда нималарни ҳис қилгансиз?

– 2017 йилнинг баҳорида хурматли Президентимизнинг Ислом маданияти марказини қурамиз деяётганларини телевизорда эшитиб қолдим. Уйдагиларга жуда ажойиб ғоя, мана шу жойни менга берсалар бўларкан, деб қўйдим. Шу билан орадан бир, икки ой ўтди-да, июнь ойида шу иш менга таклиф қилинди. Бажонидил қабул қилдим. Бошида аниқ тасаввурга эга бўлмаган эсамда, марказнинг мақсад ва вазифалари менга яқин эди, чунки 9 йил Дин ишлари бўйича қўмитада ишлаганман. Марказнинг асосий вазифаларидан бири бу – Ислом динининг асл моҳиятини илмий, тарихий меросимиз, анъаналаримиз асосида, умуман, ҳар томонлама жамият аъзоларига етказиб бериш. Мақсад-вазифа тушунарли бўлгани учун ишга киришдик. Бошида учта одам бўлиб ишлаган бўлсак, ҳозир марказда

Фазилати – талабчанлик

Шоазим Миноваров билан илмий, ижодий мулоқотимиз Дин ишлари бўйича қўмитага раис бўлган кезларида бошланган. Домла Мавлавий Ҳиндистонийнинг “Баёнул Фурқон фи таржиматил Қуръон” китобининг дастлабки нашрига шу киши сабабчи бўлган. Тез-тез ҳузурига бориб турардим. Адабиёт, тарих, тил тўғрисида сұхбатлашардик. Шоазим аканинг ҳаммага ёрдам қўлини чўзадиган одати бор. Чунки у киши буюк мағрифатпарвар Мунавварқори Абдурашидхон ҳазратларининг невараси. У киши ҳам ота-боболарига ўхшаб ҳалқимиз, юртимиз учун астойдил хизмат қиляпти.

Шоазим акада катта зиёлига хос бўлган маданият бор. Қолаверса, бу инсон ёшларнинг ўзига нисбатан жуда талабчан бўлишини хоҳлайди. Уларнинг илми, яхши амалли, ахлоқли, ўз юртини ва унинг маданиятини яхши кўрадиган, дунё ҳалқлари тарихини пухта биладиган, умуман, жаҳонга Ўзбекистоннинг донгини таратадиган етук ёшлар бўлишини истайди.

Сайфиддин САЙФУЛЛОХ,

Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими

67 нафар одам фаолият юритяпти. Улар орасида кўплаб тадқиқотчиларимиз бор, жуда иқтидорли инсонлар билан ишляяпмиз. Албатта, бу менга жуда катта шараф бўлди. Давлатимиз раҳбари билдирган катта ишонч бу. Кўлимдан келганча бу ишончи оқлашга ҳаракат қилияпман. Марказ Президентимизнинг орзу ва режаларидан биттаси. Биз, мана, Учинчи Ренессанс ҳақида кўп гапирияпмиз. Бу қандайдир хаёлий нарса эмас. Ҳаётий воқелик. Ислом цивилизацияси маркази жамиятимизнинг маънавий устунларидан биттаси бўлади деб вазифа қўйилган. Ана шу фоя асосида ишляяпмиз.

- Ўз устида ишлаш масаласида ёшлигарга қандай маслаҳатлар берасиз.

– Бинобарин, Алишер Навоий ҳазратлари ҳам “Эл нетиб топғай мениким, мен ўзумни топмасам” дея инсоннинг ўзини англаши, ҳаётда ўрнини топиши қанчалик муҳимлигини таъкидлаганлар. Ота-оналаримизнинг насиҳатлари ҳам, китобларимиз, фильмларимиз ҳам, энг муҳими, динимизнинг амри ҳам яхшилик қилишга ундашдир. Инсон оламга яхшилик қилиш учун келади. Ана шу фоя онгга маҳкам ўрнашиши керак. Энди бу яхшиликни у қайси даражада амалга оширади. Ким фермер, ким учувчи, ким шифокор. Лекин ҳар бири олижаноблик қилиш ниятида бўлса, мақсадга эришади. Ўзликни англаш шу. Лекин яна битта муҳим нарса бор: инсон қайси қасбни эгаллашидан қатъи назар, биринчи бўлишга интилиши керак. Бу – ғурур, кибрланиш эмас. Онам раҳматли бутун умр кибран узоқ бўл деб таъкидлаб келдилар. Кибрни Аллоҳ кечирмайди, дедилар. Лекин одамда албатта инсоний ғурур бўлиши керак. Тўғри, ҳамманинг иқтидори ҳар хил, бироқ инсон хоҳласа, ўртамиёналиқдан юқорига кўтарила олади. Бунга жуда кўп буюклар ҳаётидан мисол қилиб келтирса бўлади.

Алимардон ҲАЙИТОВ
сүхбатлашди.

“...Кишилар бордирки, уларни на тижорат ва на савдо (ишлари) Аллоҳнинг зикридан, намозни баркамол адо этишдан ва закот беришдан чалғита олмас. Улар диллар ва кўзлар изтиробга тушиб қоладиган кун (қиёмат)дан қўрқурлар” (Нур сураси, 37-оят).

Имтиҳоннинг зўри

Бойлик ва камбағаллик дунёда бўладиган имтиҳонларнинг энг қийини. Айниқса, бойлик эгаси бўлиш – қаттиқ синов. Зеро, пулни мақсадли ишлата олиш маънавияти юксак инсоннинг қўлидан келади. Кўп инсонлар: “Бойлигимни ундоқ ишлатдим, бундоқ сарфладим”, деб мақтанишади. Аслида эса, бойлик уларнинг асл қимматли нарсаларини – вақтларини, соғликларини “олиб қўйган бўлади”.

Бугун моддий бойлик жамиятнинг ҳар бир аъзосига таъсир ўтказмоқда. Инсон пулнинг, бойликнинг маҳкуми эмас, сохиби бўлиши лозим. Бунга Аллоҳнинг амрига бўйин эгиш орқали эришиш мумкин.

Бунинг энг гўзал намунасини пайғамбарлар, асҳоби киромлар, авлиёлар ҳаётидан топамиз. Улар молу дунёни Аллоҳ розилигини топиш йўлидаги бир восита сифатида кўрардилар. Сулаймон алайҳиссаломдан бойроқ инсон бўлмаган. Фақат у зот ҳеч қачон дунёга муҳаббат қўймаган.

Бунинг акси бўлган ҳоллар – қалбни дунё хирсининг забт этиши инсоннинг оқибатини йўққа чиқаради.

Мўмин банда дунё билан машғул бўлиши эмас, балки уни Аллоҳга бандалик қилишда бир воситага айлатириши керак. Бу йўлдаги хато эса, мол-дунёни ҳаётнинг асосий фояси қилиб олишдир.

Динимизда инсоннинг бой бўлишига асло тақиқ йўқ. Зеро, ҳаж ва закот ҳам айнан бадавлат кишиларга тааллуқли. Яна бу барча бандаларга ҳалол йўл билан бойлик ортиришга бир рағбатдир.

Мўминнинг мол-дунёни ҳалолдан топиб, исроф этмай, яхшиликка сарфлаши, унинг гўзал хулқидан дарак. Дунёга ҳирс қўймаслик эса, ҳар кишининг муҳим вазифасидир.

Атира РАҲМОНОВА,
Марҳамат тумани

Сурма кўзни ўткир қиласи

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Ким сурма қўйса, тоқ қўйисин. Ким шундай қиласа, яхши қилган бўлади, ким қилмаса, ҳараж ийӯк**”, дедилар (Имом Абу Довуд ривояти).

Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Исмид* билан сурма қўйинглар. Албатта, у кўзни равшан қиласи ва киприкларни ўстиради**”, дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Сурма кўзни муҳофаза қиласи, кўздаги хираликни аритиб, чиркинларни чиқариб ташлайди, қувватлантиради, кўриш қобилиятини оширади, киприкларни ўстиради. Бу хусусият, айниқса, исмидда кўпроқ бўлиб, кекса ёшдаги кишилар учун фойдаланорокдир.

Юқоридаги ҳадислардан Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шахсий гигиенага аъло даражада ўтибор қилганларини кўришимиз мумкин. У зот муборак кўзларининг парвариши учун сурмадан фойдаланганлар ва умматларига ҳам тавсия қилганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сурма қўйишларини диққат билан ўрганадиган бўлсак, у зот сурмани кечаси, ухлашдан олдин кўйганлари ва уни ўнг кўзларига учта, чап кўзларига учта (ёки ўнг кўзларига иккита, чап кўзларига иккита ва яна биттани икки кўзларига ёки ўнг кўзларига учта, чап кўзларига иккита) қилиб тоқ кўйганлари маълум бўлади. Умматларига ҳам уни кечаси қўйишни ва тоқ қилишни буюрганлар.

Сурманинг кечаси қўйилишида фойдалар кўп. Кўзлар юмилган ҳолда сурмадан узоқ вақт – тонгга-ча озиқланади. Кундузи эса, бундай натижага эришиб бўлмайди.

Ханбалийлар, баъзи шофеъийлар ва аҳли ҳадислар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам феълларининг зоҳирига ўтиборан эркаклар учун сурма қўйиш (зарурат бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар) мустаҳаб деган йўлни тутганлар.

Ҳанафийлар эса, модомики, у билан зийнатланиш кўзланмас экан, эркакларнинг ҳам сурма қўйиши жоиз дейдилар. Ҳанафийларнинг баъзилари ман қилинган ҳолатдан такаббурлик учун зийнатланиш назарда тутилган, жамол ва виқор учун зийнатланиш эмас, деб изоҳлашган.

Имом Моликдан ҳам икки қавл бўлиб, бирида жоиз дейилган бўлса, иккинчисида аёлларга ўхшаб қолиши ўтиборидан макрух дейилган.

Демак, эркаклар учун сурмадан даво сифатида, кўзнинг парвариши учун фойдаланиш жоиз. Зийнат учун бўлса, ҳанафийлар ва моликийлар наздида макруҳдир.

Агар собит бўлган ҳадислар тааммул қилиб қўрилса, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сурмани зийнат учун эмас, балки кўз ва киприклар парвариши учун кўйганлари аён бўлади. Сурмани кечаси, ухлашдан олдин кўйганлари ҳам бу ишнинг зийнат учун бўлмаганини таъкидлайди.

Сурмадан зийнатланиш мақсадида фойдаланиш фақат аёллар учун мустаҳабдир. Чунки улар эрларига чиройли суратда кўринишлари лозим. Аммо эридан бошқаси учун зийнатланишлари жоиз эмас.

Эркакларнинг сурмадан зийнат мақсадида фойдаланишлари эса, агар ўша жамиятда бу иш одатга айланган бўлса, у ҳолда зарари йўқ. Қадимда араблар чўлнинг жазирамасида кўзнинг хиралашиб, шикастланмаслиги учун сурмадан фойдаланишган ва уни кундузи ҳам қўйиб юришган. Шу боис уларда эркакларнинг ҳам сурмадан фойдаланишлари оддий ҳол бўлган. Аммо бошқа халқларда, масалан, бизнинг минтақаларда бу ҳолатга ўзини аёлларга ўхшатиш қабилидаги хатти-ҳаракат деб қаралади.

**Манбалар асосида
Азизбек ХОЛНАЗАРОВ тайёрлади.**

* *Исмид* сурманинг энг яхши нави бўлиб, ранги қизилликка мойил тошидир. У Ҳижоз ўлкаларида бўлади.



Тарика: дафн харажатлари, қарзларни узиш

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

Киши ўз ортида қолдирган нарса луғатда “тарика” дейилади. Фароиз илми уламолари истилоҳида эса тарика, вафот этган кишидан қолган мол-мулк ва шаръий хукуқлардир.

Яъни марҳумга тегишли барча турдаги кўчар ва кўчмас мулклар ҳамда ҳаётлигига бошлаган ва ўлимидан сўнг фойдага кирган ишлардан келган мол-мулклар.

Марҳумнинг мол-мулкига боғлиқ хукуқлари ҳам тарикага киради. Ушбу хукуқлар вафот этган инсон қолдирган мол-мулкнинг айни ўзига боғлиқ бўлади. Масалан, майит бирор нарсани гаровга олиш орқали қарз берган бўлса, қарздор қарзини узмагунича гаров меросхўрлар қўлида туради.

Марҳумнинг ўлими сабаб хун вожиб бўлса, хун учун олинадиган мол ҳам тарика ҳисобланади.

Тарика майитнинг дафн харажатларига, майитнинг қарзларини узишга, майитнинг васиятларини амалга оширишга сарифлангач, қолгани ворисларга Қуръон ва суннатга мувофиқ тақсимланади.

МАРҲУМНИ ДАФН ЭТИШ ХАРАЖАТЛАРИ

Майит дафн қилиш чиқимлари исрофгарлик ёки зиқналийка йўл қўймасдан, шаръиатга мувофиқ бўлиши лозим. Агар майит дафн харажатларга етадиган қолдирмаган бўлса, ҳаётлигига унга нафақа



бериши лозим бўлган киши дафн харажатларни кўтаради.

МАРҲУМНИНГ ҚАРЗЛАРИНИ УЗИШ

Қарзлар икки турли: 1. Соғломликда олинган қарз. 2. Беморликда олинган қарз. Аввалгиси ҳужжат илиа ёки иқрор бўлиш орқали исбот топган қарз бўлиб, унга насия маҳр, насия савдо ва бировга етказилган зарарни тўлаб бериш кабилар киради. Кейинги турдаги қарзга мерос қолдирувчининг – ўлим касаллиги вақтида иқрор бўлганидан бошқа ҳеч қандай исботи бўлмаган қарзdir.

Майитдан қолган мол-мулк дафн харажатларидан ортиб қолса, биринчи бўлиб саломатлигига олган қарзлари узилади. Ундан ортса, bemorlikda олган қарзлари тўланади. Агар тарика саломатлигига олгани қарзларини ҳаммасини тўлашга тўлиқ етмаса, қарз берганларнинг ҳар бирининг ҳақига муносиб равишда тақсимланади. Қарз тури бир хил бўлган қарз эгаларининг бирини бошқасидан устун қўйиш жоиз эмас.

Бу ўринда қарз ҳақида гапирилганда инсонлардан олинган қарзлар назарда тутилди. Мазҳабимизда қарзларни адо қилишда ҳам асосан шу турдаги қарзлар назарда тутилади. Шофеъий мазҳабида эса, Аллоҳ таоло олдидаги қарзлар биринчи адо қилинади. Улар: закот, ҳаж, назр, рўзанинг фидяси ва ушр каби молиявий ибодатлардир. Агар майит уларни адо қилишни васият қилса, тариканинг учдан бири ҳисобидан ўташ меросхўрлар учун вожиб бўлади. Агар васият қилмаган бўлса, инсонлардан олинган қарзи ўталганидан сўнг, Аллоҳ таоло олдидаги қарзларни ҳам адо этиб қўйиш яхшидир.

(Давоми келгуси сонда.)

Сайджамол МАСАЙИТОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази бош мутахассиси

Тушлик қилиш учун тамаддихонага кирдим. Нон-чой, егуликлар олиб, бўш жойлардан бирига ўтирдим.

Онам ҳаёт дўйсайди...

Яқинимда она-бала тамадди қилишар, қиз кампир онасига жуда ўхшарди. Унинг кўзлари қора, киприклари онасиникидан ҳам узунроқ, жингалак соchlари долчин ранг эди. Қиз онасига овқат тутқазар, рўмолини тўғрилаб қўярди. Она гўштни чайнай олмаётгани кўриниб турарди. Таомни қизига илинар, қизи эса таомни қошиқда майдалаб онасининг раъийга қараб, гўдаклардек унга едиради...

Уларнинг бу ҳоли менга алланечук таъсир қилди. Ёшлигим, ота-онам ёдимга тушди. Айниқса, онамнинг бизларга эринмай овқат едиришлари кўз олдимга келди. Қани эди ҳозир онам бўлганида... Мен ҳам шундай таомлантирган, хурсандлигидан шодланган, кўлларини тутиб лабларимга босган, кўзларимга сурган бўлардим...

Она етмиш, қизи ўттиз беш ёшлар атрофига эди. Тамадди қилиб бўлишгач, қиз ҳўл сочиқча билан онасининг юз-кўлини авайлаб артди. Идишларни тахлади. Ўтирган жойларини ҳам артиб-суртди. Кейин она дуога қўл очиб, Аллоҳга ҳамдлар айтгач, қизи ҳақига тўлиқиб дуо қилди. Сўнг:

– Энди, қизим, қани юр, кетдик! Туришимга ёрдам бер, – деди кўзойнагини тақаркан.

Қиз онасининг ҳассасини қўлига бериб, қўлтиғидан ушлаб, туриб олишига ёрдам берди.

Қалтираб ўрнидан тураркан, ҳассасини сиқиб ушлаб, бир қўли билан қизининг қўлидан тутган она қизига меҳр билан қарап, қизи ҳам онасига табассум қилиб турарди.

– Энди қаёққа боргингиз келяпти, онажон? – деди қизи.

– Қаёққа кетардик, жон болам, уйга-да! – деди хурсанд ҳолда қизининг қўлидан ушлаб она. – Қарилек-да, қизим, таом еяётиб ҳам толиқиб қолдим...

Улар чиқиб кетгач, ўйлаб қолдим: таомнинг тоти ширинми, меҳрнингми?..

Фазлиддин АБДУНАЗАРОВ,
Кўва тумани

СУВ СИЙЛАР Ё ЧЎКТИРАР

«Мусонинг онасига: “Унга ёмонлик етишидан) қўрқсанг, уни дарёга ташла” деб буюрдик» (Қасос сураси, 7-оят). «Биз уни ва унинг аскарларини тутиб, дengизга отдик» (Қасос сураси, 40-оят).

Иккови ҳам сувга ташланди, лекин ҳолат ва хотима турлича бўлди. Мусо алайҳиссалом ғоятда заифхол бўлишларига қарамай, сув у зотга зарар бера олмади. Фиръавн иззат ва салтанат чўққисида бўлишига қарамай, сув уни ғарқ қилди. Хулоса: Аллоҳнинг амрида бўлсанг, заифлигинг зарар бермайди. Аллоҳга итоатсиз, осийликда бўлсанг, қувватинг фойда бермайди.

ФИЙБАТНИНГ ТУРЛАРИ

Ҳасан Басрий бундай деган: «Фийбат уч хил бўлади: ғийбат, ифқ ва бўхтон. Уларнинг ҳар бири Аллоҳнинг китобида зикр қилинган: Фийбат – биродарингда бор (салбий) нарсани гапиришинг. Ифқ – биродаринг ҳақида сенга етиб келган гапни гапиришинг. Бўхтон – биродарингда йўқ нарсани гапиришинг.

И мом Куртубий

ФИЙБАТ КАФФОРАТИ

Хузайфа: «Фийбат қилган кишинг ҳаққига истиғфор айтасан»; И мом Мужоҳид: «Уни ғийбатдан поклаб, ҳаққига дуо қиласан»; Ибн Муборак: «Фийбат қилган кишинг ҳаққига истиғфор айтасан» дедилар ва яна қўшиб қўйдилар: «Унга бунинг хабарини бермайсан».

* * *

Ким Аллоҳ таолодан бирор ҳожатини сўраса, аввало, Пайғамбаримиз алайҳиссаломга салавот айтиб, сўнгра ҳожатини сўрасин. Кейин яна салавот айтиб, дуосига якун ясасин. Чунки Аллоҳ таоло икки салавот орасидаги сўралган ҳожатни қабулсиз ташлаб қўйишидан юксак Зотдир.

Абу Сулаймон Дороний

* * *

Машҳур адаб Жоҳиздан «Оқил инсон ким?» деб сўрашди. Жоҳиз бундай деди: «Қачон гапиришни, қандай гапиришни ва ким билан гаплашишни биладиган киши чинакам оқилдир».

“Виқор” тақвимидан олинди.

Абу Бакра Сақафий

Нуфайъ ибн Ҳорис – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мавло (озод қилинганд қул)лари. Бир ривоятда исми “Нуфайъ ибн Масрух” дейилган. Тоиф қамалида девордан осилиб тушиб, Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳузурларига қочиб боради ва у ерда Исломни қабул қиласди. Нуфайъ қул эканини айтганидан сўнг, Набий алайҳиссалом уни озод қилдилар ва унга “Абу Бакра” кунясини бердилар.

Ушбу ҳодисага гувоҳ бўлган қабила дошлари Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан Абу Бакрани қул ҳолатида ўзларига қайтариб беришларини сўрашди. Набий алайҳиссалом: **“Асло йўқ! У Аллоҳнинг ва Расулининг озод қилганидир”,** дея уларга рад жавобини бердилар.

Абу Бакра розияллоҳу анҳу Ҳорис ибн Каладаҳнинг қули бўлган. Онаси Сумайя ҳам илгари Ҳориснинг чўриси эди. Машҳур қўмондон ва фақиҳ Маъруф Зиёд ибн Абих розияллоҳу анҳу унинг она бир акасидир.

Абу Бакра Сақафийнинг насаби боррасида ихтилоф бор. Бир ривоятда “Нуфайъ ибн Ҳорис ибн Каладаҳ” дейилади. Лекин саҳоба Ҳорис насабини инкор этиб, бундай деган: “Мен сизларнинг диндош биродарингиз ҳамда Набий алайҳиссаломнинг мавлолариман. Агар одамлар насабимни айтишимни истаётган бўлсалар, мен Нуфайъ ибн Масрух Ҳабашийман”.

Саҳоба Басрада яшади. Ҳасан Басрий розияллоҳу анҳу: “Басрага Абу Бакра Сақафий ва Имрон ибн Ҳусайндан ағзал киши келмаган”, деган. Имрон ибн Ҳусайн «Абу Бакрадан кўра фазилатли кишини кўрмадим», деган.

Абу Бакра Сақафийнинг аёли оламдан ўтганида, марҳуманинг акалари жаноза намозини ўзлари ўқимоқчи

бўлди. Абу Бакра розияллоҳу анҳу: “Жаноза намозини ўқишга сизлардан кўра мен ҳақлиман”, деди. Шунда одамлар: “Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг саҳобалари тўғри айтмоқда”, дейишиди. Кейин Абу Бакра жанозани ўқиди (“Мўъжами Имом Табароний”).

Ибн Маҳдий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бизга Абу Ҳушайна, у амакиси Ҳакам ибн Аърождан ривоят қилди: “Бир киши ёғоч олиб келди. Зиёд (ўша давр волийси) ёғочларни сотиб олмоқчилигини айтди. Ҳалиги одам рози бўлмади. Кейин Зиёд ёғочларни тортиб олди. Кейин улардан Басра масжидида айвон ясатирди. Ровий айтади: “То ўша айвон бузиб ташланмагунича Абу Бакра розияллоҳу анҳу (ўша) масжидда намоз ўқимади”».

Абу Үсмон Наҳдий ривоят қиласди: «Абу Бакранинг дўсти эдим. Бир куни у менга бундай деди: “Одамларни кўрмайсанми? Мен буларга дунёни қораласам, улар ўғлим Убайдуллоҳни отлиқларга, Роввадни ризқ уйига (озиқ-овқат тарқатиладиган жой), Абдураҳмонни байтулмолга раҳбар қилишибди. Айт-чи, буларнинг барида дунё бор эмасми?! Мен болаларимга танбех бердим, чунки улар ношуклик қилишди”.

Абу Бакра Нуфайъ ибн Ҳорис Сақафий розияллоҳу анҳу кибор саҳобалардан ва фақиҳлардан эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан 132 та ҳадис ривоят қилди. У кишидан тўрт фарзанди, Абу Үсмон Наҳдий, Ҳасан Басрий, Муҳаммад ибн Сирин, Уқба ибн Суҳбон, Рибъий ибн Ҳирош, Аҳнаф ибн Қайс ва бошқалар ҳадис ривоят қилишди.

Абу Бакра Нуфайъ ибн Ҳорис Сақафий розияллоҳу анҳу бундай ривоят қиласди: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қачон икки мусулмон бир-бирига қилич ўқтала, ўлдирувчи ҳам, ўлдирилган ҳам жаҳаннамдадидир”, деганларида мен: “Эй Аллоҳнинг Расули, мана бу-ку қотил,

ўлдирилганинг айби нима?” деб сўрадим. У зот алайхиссалом: “Чунки у ҳам шеригини ўлдирмоқчи бўлган эди”, деб жавоб қилдилар» (Муттафақун алайҳ).

Абу Бакра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ҳозир бўлган ғойибга етказсин. Шояд ҳозир бўлувчи уни ўзидан кўра кўпроқ англовчига етказса”**, дедилар (Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти).

Уяйна ибн Абдураҳмон отасидан ривоят қиласди. Абу Бакра бетоб бўлганда, фарзандлари табиб чақиришга ошиқиши. Саҳоба рози бўлмади. Кейин ўлими яқинлашганида: “Табибларингиз қаерда? Агар ростгўй бўлсангиз, (ўлимни) қайтариб кўринглар-чи?” деди. Айтилишича, у ўлими олдидан: “Бу Нуфайъ ибн Ҳабаший васият қилган нарса”, деб васиятини ёздирган.

Тарихчи Ибн Саъд Абу Бакра розияллоҳу анҳунинг Муовия ибн Абу Суфён замонида, Басрада оламдан ўтганини нақл қилган.

Фахриддин ШАЙЗАҚОВ,
Жizzах шаҳар бош имом-хатиби.



Фахриддин Шайзақов 1977 йили Жizzах вилояти Зомин туманида туғилган. 1994–1998 йилларда Намангандаги "Мулла Қирғиз" мадрасасини тамомлаган. 2018 йилдан бери Жizzах шаҳар "Қалия" масжиди имом-хатиби ҳамда 2015 йилдан буён Жizzах шаҳар бош имом-хатиби сифатида фаолият юритмоқда.

Икки ҳамд ила Аллоҳнинг розилиги

Аллоҳ таоло ўз бандаларига меҳрибон ва раҳмли Зотки, кичик амалларга ҳам улкан ажр-мукофот беради. Икки марта “**Алҳамдуиллаҳ**” дейиши туфайли бандасидан рози бўладиган Зот нақадар саҳоватлидир!

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Банда овқат еб, ортидан ҳамд айтса ёки ичимлик ишиб, ҳамд айтса, Аллоҳ (у) бандасидан рози бўлади”**, дедилар» (Имом Муслим ривояти).

Аллоҳнинг розилиги эса улкан мукофотdir. Қуръони каримда: «...Аллоҳнинг розилиги эса, ҳамма нарсадан улуғроқдир. Мана шу Буюк саодатдир» (Тавба сураси, 72-оят), дейилган.

Қиёматда афзал кишилар

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Ким тонг отганида ва кеч тушганида “Субҳоналлоҳи ва биҳамдиҳи” деб юз мартадан айтса, қиёмат куни фақат шунча айтган ёки ундан кўпроқ айтган кимсагина ундан афзалроқ нарса билан келади**» (Имом Бухорий ривояти).

Қўл бериб кўришиш эвазига мағфират

Бир мусулмоннинг биродари билан қўл бериб кўришиши туфайли уларнинг гуноҳи мағрифат қилинади.

Баро розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Икки мусулмон учрашиб, бир-бiri билан қўл бериб кўришса, улар айрилмасларидан олдин гуноҳлари мағфират қилинади**», деганлар (Имом Термизий ривояти).

«Саноқли дақиқаларда тоғдай савоблар» китобидан

*Ассалому алайкум ва
раҳматуллоҳи ва
баракотуҳ.*

СҮРАГАН

ЭДИНГИЗ...



САВОЛ: *Биз томонларда жума куни жума намозининг фарзини тугатаетиб одамларнинг имомга қўшилиб, жўр бўлиб салом берши одати бор. Шундай қилиш жоизми?*

ЖАВОБ: Йўқ, жоиз эмас. Жамоат на мозларида фақат имом овоз чиқариб салом беради. Имомга эргашганлар махфий тарзда салом берадилар. Имомга қўшилиб, овоз чиқариб салом бериш суннатга хилофдир.

САВОЛ: *Намозда телефон жиринглаб қолса, ўчириб қўйса бўладими?*

ЖАВОБ: Аввало, намозхон намозга киришишдан олдин уни чалғитиб, ибодатига халал берадиган нарсаларни бартараф қилиб олиши керак. Намоз вақтида телефон қўнғироғини бир қўл билан ўчириб қўйиш имкони бўлса, ўчириб қўйиш мумкин ва бунда намоз бузилмайди. Аммо телефонни икки қўл билан ўчириб қўйиш кўп амал, ҳаракат бўлгани боис намоз бузилади. Чунки намозни бузувчи амаллардан бири “амали касир”, яъни кўп амал қилишdir.

САВОЛ: *Ҳар хил хушбўй нарсалар солинган сув билан ғусл қилиши мумкини? Умуман, таҳоратда ва ғусл қилаётганда совун ва шампунлардан фойдаланиши жоизми?*

ЖАВОБ: Нажосат ва ҳаром нарса аралашмаган турли ишқор ва хушбўй моддалар (жумладан, покиза тар-

кибли совун, шампун) қўшилган сув билан ғусл ёки таҳорат қилиш жоиз.

САВОЛ: *Исламдаги қандай тартибда бўлади ва шартлари қандай?*

ЖАВОБ: Шариатда исм ўзгартириш учун алоҳида маросим ёки қоидалар йўқ. Бу масалада одам, аввало, унга исм кўйишиган ота-онаси билан маслаҳатлашгани, розиликларини олгани яхши. Исмини ўзгартирган киши бу ҳақда ўзига яқин инсонларга эълон қилиб қўйса, кифоя.

САВОЛ: *Киши хотини билан ажрашиса, собиқ хотини ва болаларининг моддий эҳтиёжларини таъминлаши керакми? Она ва болалар учун уй олиб бершии шартми?*

ЖАВОБ: Ажрашган хотиннинг иддаси ўтганидан кейин унинг таъминоти эрнинг зиммасида бўлмайди (идда ичидан хотиннинг таъминоти эрнинг зиммасида). Лекин ота ўғил болаларни балоғатга етгунича, қизларни турмушга чиққунича еб-ичиши, кийиниши ва уй-жой билан таъминлаши шарт. Таъминламаса, гуноҳкор бўлади. Бу ҳолатда болалар отаси билан яшайдими ёки онаси билан яшайдими – фарқи йўқ. Баъзилар она болани ўзи билан олиб кетса, таъминотини ўзи қилсин, деган нотўғри тушунчада юради.

Болаларини уй-жой билан таъминлаш учун ижарага уй олиб берадими ёки сотиб олиб, болаларини жойлаб қўядими ёхуд болаларига ҳадя қиладими, фарқи йўқ.

Ўғил болалар ўзини ўзи эплай оладиган бўлгунича, тахминан 5–6 ёшгача), қизлар вояга етгунча (яъни, ҳайд кўра бошлагунча) онаси қарамоғида бўлгани яхши.

САВОЛ: *Ерга қараб ётиши гуноҳми? Суннатга мувофиқ қандай ётиши керак?*

ЖАВОБ: Корин билан ётиш макруҳ бўлади. Кўплаб ҳадиси шарифларда ундан ётишдан қайтарилган. Тофха ибн Қайс Ғифорий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Ўпка касали сабабли қорнимни ерга бериб ётган эдим. Бирор мени аста туртиб: “Бундай ётишини Аллоҳ ёмон кўради”, деди. Қарасам, Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эканлар» (Имом Абу Довуд ривояти). Бошқа бир ривоятда “Бу дўзах аҳлиниңг ётишидир”, дейилган (Имом Ибн Можа ривояти).

Ўнг ёнбош билан қиблага қараб ётиш суннатdir. Тиб ахли ҳам ўнг тараф билан ухлаш афзаллигини, қорин билан ётиш эса, инсонга зарарли эканини таъкидлайди.

САВОЛ: *Ҳар қандай намозда биринчи ракатда “Аттаҳият”ни ўқиб қўйсам, намозим бузиладими?*

ЖАВОБ: Биринчи ракатдан кейин ўтириб “Аттаҳият”ни ўқиб қўйган кишининг намози бузилмайди. Масалан, у тўрт ракатли намозни ўқиётган киши бўлса, намозини одатдагидек давом эттиради, яъни иккинчи ракатда қаъда қилиб, “Аттаҳият”ни ўқийди, кейин туриб 3-ракатни ўқийди, сўнг 4-ракатда охирги қаъдага ўтириб, “Аттаҳият”ни ўқийди. Кейин икки томонига салом беради ва саждаи саҳв қилади, сўнг яна “Аттаҳият” ва “Салавот”ни ўқиб, намозни тутатади.

САВОЛ: *Мен 2012 йили уйланганман, аммо маҳр беролмаганман. Ҳозир эса маҳрини бермоқчиман. Маҳр ўша 2012 йилдаги ҳисобдан бериладими ёки ҳозирги йил ҳисобиданми?*

ЖАВОБ: Никоҳ пайтида маҳрга бирор қимматли нарса, масалан, тилла узук ёки тилла сирға белгиланган бўлса, бугунги кунда унинг нархи қандай бўлса ҳам, эр ўшани олиб беради.

Агар маҳр сўм ёки доллар каби пулда белгиланган бўлса, ўша пул билан берилади.

Агар никоҳ пайтида умуман маҳр белгиланмаган бўлса, маҳри мисл беради. Яъни, никоҳ қилинган пайтда, келинга ота томонидан ҳар жиҳатдан (ёши, ҳусни ва ҳоказо) тенг бўлган аёл қариндошлари қанча маҳр олган бўлишса, ўшанча маҳр берилади.

САВОЛ: *Оилада эр соғлом бўлатуриб, оила таъминотини бажармаса, аёл киши мажбурлигидан пул топиб таъминотни қиласа, савоб оладими?*

ЖАВОБ: Ҳа, савоб олади. Аммо аёл ўй ичидаги ишларга масъулдир. Хотиннинг нафақаси эрга вожибдир. Нафақанинг эрга вожиб бўлиши Қуръон, суннат, ижмо ва ақл ила собит бўлган.

Аллоҳ таоло марҳамат қиласи: «Уларни яхшилаб едириб, кийинтириш отанинг зиммасидадир» (Бақара сураси, 233-оят).

Эр соғлом бўлатуриб, ишламай, аёли ва болаларини нафақа билан таъминламаса катта гуноҳкор бўлади. Аллоҳ таоло эрни оилани боқа оладиган, нафақа билан таъминлай оладиган иқтидорли, бақувват қилиб яратган. Турли баҳоналар билан ишламай, аёлинни ишлатаётган эркаклар кўзларини очишлари, қиёмат куни қандай жавоб беришларини ўйлашлари керак.

САВОЛ: *Тасбеҳ дуоларининг саноғини санамай ўқиб юриш мумкини? Савоб бўладими ёки саноғини билиш шартми?*

ЖАВОБ: Ҳадисларда адади аниқ баён қилинган тасбеҳларнинг саноғига риоя қилиш афзал. Аммо инсон бўш вақтларида зикр ва тасбеҳларни айтмоқчи бўлса, хоҳлаганича айтиши жоиз. Қанча кўп айтса, шунча яхши.

САВОЛ: *Соқолни қорага бўяса бўладими?*

ЖАВОБ: Соқолни қора рангга бўяш жоиз эмас. Ҳадисларда соқолни хино билан бўяш жоизлиги айтилган.

“Валий сонго” силсиласи

Журналинизнинг шу йилги тўртинчи сонида “Индонезияда Исломни ёйган самарқандликлар” номли тарихий маълумотлар қамраб олинган мақола чоп этилган эди. Муштариylар мазкур мақолани қизиқиш билан ўқиганини улар жўнатаётган мактублардан ҳам билиб олиш мумкин. Ўша мақоланинг давоми ўлароқ “Валий сонго” силсиласи нинг фаолияти ҳақида кенгроқ ёритишни ният қилдик.

“Валий сонго” атамаси Индонезияда Ислом дини ва тасаввуф тариқатларини кенг миқёсда тарқатган мусулмон авлиёларга нисбатан кўлланади. У “Валий санга” шаклида ҳам талаффуз қилиниб, “Тўққиз авлиё” деган маънени ифодалайди. Атама араб ва маҳаллий ява тилидаги икки сўз қоришимасидан шаклланган. “Валий” арабчада “ишончли киши”, “Аллоҳнинг дўсти” маъноларини берса, индонезияликлар “қўриқчи” маъносида ҳам ишлатишади. “Сонго” ёки “санга” сўзи эса ява тилида тўққиз деганидир.

Силсила илк даврда Жумодил Кубро, Иброҳим Самарқандий, Мавлоно Исҳоқ ва уларнинг авлодлари бўлган тўққиз авлиёдан ташкил топган. Аммо кейинги даврларда силсила таркиби кенгайиб, ўзгариб борган.

“Валий сонго” азизлари XIV асрдан XVI аср ўрталаригача Вьетнамнинг жанубий минтақалари, Яванинг шимолий қирғоқлари, Шарқий Явадаги Сурабая-Гресик-Ламонган, Марказий Явадаги Демак-Кудус-Мурия ва Фарбий Явадаги Чиребон худудларида кенг фаолият юритган.



Явадаги Ислом дини авлиёлари иккига бўлинади: биринчи тоифа “Валий сонго” таркибига кирувчи валийлар, иккинчиси, ушбу силсила таркибига киритилмайдиган авлиёлар. Маҳаллий анъаналарга кўра, “Валий сонго” силсиласи ҳар бир даврда тўққиз авлиёдан иборат бўлган. Ушбу валийлар турли даврларда яшаган бўлишига қарамасдан, уларнинг кўпчилиги бир-бири билан боғланиб кетган оила аъзолари саналади.

Баъзи манбаларда силсила фақат самарқандликлар бўлган қуйидаги тўққиз авлиёдан иборатлиги тўғрисида маълумотлар келтирилади: Малик ИброХим Самарқандий, Сунан Ампел, Сунан Бонанг, Сунан Гири, Сунан Дражат, Сунан Калияга, Сунан Кудус, Сунан Мурия ва Сунан Гунунг Жатий. Бироқ силсила таркибига кирган авлиёлар сони тўққиздан ошади.

“Валий сонго” азизлари дастлабки даврда тўққиз кишидан иборат бўлган. Анъанага кўра, пир вафот этганида, унинг ўрнини шогирди эгаллаган ва силсила раҳбари сифатида устозининг ишини давом эттирган. Бу анъана бугунги кунгача шу тарзда давом этиб келмоқда. Бу улуғлар Индонезия архипелагида Ислом дини тарқалишида ва минтақа маданияти шаклланишида муҳим ўрин тутган.

Тадқиқотчилар фикрига кўра, “Валий сонго” минтақага аҳли сунна вал жамоа эътиқодини олиб кирган бўлса-да, буни жамиятга етказишда тасаввуф тариқатлари томонидан ишлаб чиқилган усуллардан фойдаланган. Авлиёлар ислом таълимотини

тарғиб қилиш жараёнида Наҳл сураси 125-оятида келган: “(Эй Мұхаммад!) Раббингизнинг йўли (дини) га ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват этинг! Улар билан энг гўзал услугуда мунозара қилинг!” амри асосида тарғибот олиб боришган.

“Валий сонго” вакилларининг архипелагда Исломни ёйиш борасидаги муваффақиятини қуидаги ёндашувларда кўриш мумкин:

Биринчиси, оила ва никоҳ орқали даъват қилиш. Бунга мисол тариқасида Иброҳим Самарқандий Чампа ҳукмдорининг қизи билан, Мавлоно Исҳоқ эса Баламбанг ҳукмдорининг қизи билан турмуш қурганини келтириш мумкин. Аммо Раден Раҳматнинг бу борада қилган ишлари алоҳида эътиборга сазовор. “Бабад танаҳ Жавий”¹да келтирилган маълумотларга кўра, у ўзининг маҳаллий ҳукмрон табақа вакили бўлган мусулмон шогирдлари билан қариндошлик ришталарини боғлашни издошлари орасида алоҳида анъанага айлантирган. Бу эса келажакда Явада Ислом дини ривожланишига таъсир қўрсатган ҳамда ҳукмрон қатлам томонидан янги динга нисбатан ижобий муносабат билдирилишига сабаб бўлган.

Иккинчиси, дастлаб Иброҳим Самарқандий томонидан асос солинган Ислом таълимотини ўргатувчи песантрен² диний мактаблари минтақада Нусантара Ислом цивилизациясини барпо этишда мұхим рол ўйнаган. Ислом динини қабул қилган барча маҳаллий аҳоли вакиллари песантренларда таълим олиш учун жалб қилинган. Бу мактабларга илм олиш учун келган талабалар песантренда яшаб таълим олганлар.

Учинчиси, Ява маданиятини ривожлантириш орқали Ислом маданиятини жамиятга тарғиб қилиш. Силсила вакиллари Индонезия маданиятинг турли соҳалари ривожига ҳам ўз ҳиссасини қўшган. Бу борада Иброҳим Самарқандийнинг набираси Сунан Бонанг фаолиятини келтириш мумкин. У ҳиндуйлик фалсафасига катта таъсир қўрсатган анъанавий Ява қўшиқларини ўзгартириб, уларни исломий маъно билан бойитган. Унинг машҳур ишларидан бири “Томбо ати” (Қалб шифоси) анъанавий Ява қўшиғи. Ушбу қўшиқ мусулмоннинг таҳажжуд, Куръон тиловати, рўза тутиш, тақводорлар мажлисларида қатнашиш, Худони зикр қилиш орқали руҳий хотиржамликка эришиш ўйллари ҳақида ҳикоя қилади.

Тўртинчиси, одамларнинг кундалик ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлари билан боғлиқ масалалар орқали Исломни тарғиб қилиш. Силsilanинг ет-

тинчи даври вакили бўлган Сунан Мажагунг иқтисодий соҳада наяка (вазир) этиб тайинланган. У озиқ-овқат, пазандалик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа бир қанча соҳалар бўйича ҳаром ва ҳалол масалаларини ёритиб, бу борада ижтиҳод қилган. Сунан Калияга эса, қишлоқ хўжалиги ривожига катта ҳисса қўшган “Filsafat bajakdan cangkul” (Қўш ва шудгор фалсафаси) номли китоб ёзди.

Бешинчиси, вакиллар минтақада Исломни тарғиб қилишда мөҳир бўлишган. Бунга мавлоно Ишҳокнинг фарзанди Сунан Гирий амалга оширган ишларни мисол қилиб келтириш мумкин. У суд жараёнлари бўйича шариатга асосланган маъмурӣ қоидалар ва қўрсатмаларни ишлаб чиқади. Бу борада унга фақир ва олим бўлган Сунан Қудус ёрдам берган. Сўфий даъватчилар томонидан қўлланилган ушбу ёндашувлар натижасида исломий анъаналар аввал маҳаллий урф-одатлар билан уйғунлашув-бирлашув жараёнини бошдан кечирган, сўнгра аҳоли томонидан қабул қилинган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур силсила таъсирида архипелагнинг диний таълим тизими, устоз-шогирд анъаналари, масжидлар маданияти ва яна бошқа кўплаб ижтимоий турмуш анъаналари шаклланди. “Валий сонго”нинг биринчи пири Иброҳим Самарқандий томонидан асос солинган песантрен диний мактаблари бугунги кунда ҳам замонавий Индонезия таълим тизимининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.


Феруз ХОЛМЎМИНОВ,
И мом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

¹ “Бабад танаҳ Жавий” – тарихий манба.

² Песантрен – талабалар ҳам яшаб, ҳам таълим оладиган маскан.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: “Албатта, Биз ҳар бир нарсани ўлчов ила яратдик” дея марҳамат қиласи (Қамар сураси, 49-оят). Ўзек тилида “ўлчов” маъносини берган сўз оятда “қадар” деб келган.

Уламоларимиз “қазо” ва “қадар”ни қуидагича таърифлайдилар: “Қазо – Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсаларнинг келажакда қандай бўлишини азалдан билишидир”. “Қадар – ўша нарсалар Аллоҳ таолонинг азалий илмига мувофиқ равишда вужудга келишидир”.



Қазои қадарга иймон

Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига қўра, Аллоҳ таоло бандаларнинг қиласидан ишларини аввалдан билади. Бироқ ихтиёри ўзларига берган.

Бу борада уламолар инсон феълини икки қисмга бўлган:

Биринчи қисм – дунёда инсоннинг дахли йўқ нарсалар. Фақат Аллоҳ таолонинг қудрати билан бўлади. Мисол учун, инсон гавдасининг турлича, (новча ёки паст бўйли) хуснининг чиройли ёки хунуклиги, туғилиш вақти ва жойи, эркак ёки аёллиги, ақлининг ўткир ёки ўтмаслиги ва шунга ўхшаш бир қанча ишлар борки, уларга инсоннинг ҳеч қандай дахли йўқ. Инсон бу нарсалардан “Нега новча ёки пакана?” ёхуд “Нима учун фалон куни туғилдинг, фалон куни ўлдинг?” деб сўроқ қилинмайди. Буларнинг ҳаммаси Аллоҳдан. Бу турдаги қадарга иймон келтириш ҳар бир мўмин-мусулмонга вожибидir.

Иккинчи қисм – инсон томонидан содир этилган иш ва амалларга боғлиқ. Буларда инсоннинг дахли бор, у бу ишларда ўзининг хоҳиши, ихтиёри ва ҳаракати билан иштирок этади. Бошқача айтганда, банда бирор ишни амалга ошириши учун унга ички ва ташқи омиллар таъсир қиласи. Бу омилларни Аллоҳ таоло банданинг хоҳишига кўра яратади. Банда ана шу хоҳишга масъул бўлади.

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ ушбу масала юзасидан бундай деган:

“Аллоҳ барча нарсаларни яратмасидан олдин ҳам, азалдан билар эди. Барча нарсаларнинг тақдир ва қазосини Унинг Ўзи белгилаган. Бу дунёдаги ва охиратдаги ҳар бир нарса фақат Унинг хоҳиши, илми, қазоси, қадари, Лавҳул Маҳфузга ёзib қўйилиши билан бўлади. Лекин ёзib қўйиши тавсиф йўли биландир, хукм йўли билан эмас, яъни мажбурий эмас” (“Фиқхул акбар”).

Бандага ихтиёр берилгани ҳақида Қуръони каримнинг бир қанча оятларида хабар берилган. Жумладан, Аллоҳ таоло бундай огоҳлантиради: «Сен: “Бу ҳақ Раббингиз томонидандир. Бас, ким хоҳласа, иймон келтирсин, ким хоҳласа, куфр келтирсин”, дегин» (Каҳф сураси, 29-оят).

Бошқа бир оятда бундай хабар берилган: «Сен: “Эй одамлар, сизга Раббингиздан ҳақ келди. Бас, ким ҳидоятга юрса, ўзи учун ҳидоят топади. Ким залолатга кетса, ўз зарарига залолат топади. Мен сизларнинг устингиздан қўриқчи эмасман”, деб айт» (Юнус сураси, 108-оят).

Ушбу икки оятда Аллоҳ таоло ҳидоят ёки залолат йўлларини танлашни банданинг ихтиёрига ҳавола этмоқда. Банда қайси бирини танласса, ўшанга Аллоҳ йўллаб қўяди. Банда эса, танловига кўра ё савоб ё гуноҳга эга бўлади. Демак, қазои қадарда бандани бирор нарсага мажбурлаш йўқлигини англаб олишимиз зарур.

Агар буни ҳаётий мисол асосида оладиган бўлсак, устоз ўз шогирдларининг илмий савиясини яхши билади. Имтиҳонга киришдан олдин фалончи “аъло” баҳо олади, пистончи “яхши” баҳо олади, деб айтиши мумкин. Имтиҳон натижаси устоз айтганидек чиқади. Шогирдлар устоз айтган шу гап учун мазкур натижага эришдиларми? Ёки устознинг ўз тажрибасига асосланган ожизона илми уларни ўша баҳоларни олишга мажбур қилдими?! Ожиз инсон ўзига қарашли нарсаларда шунчалик илмга эга бўлса, нима учун чексиз илм соҳиби, қудратли Аллоҳ азалдан ҳамма нарсани билмаслиги керак?!

Хулоса шуки, Аллоҳ таоло бандага яхшилик ёки ёмонлик, иймон ёки қуфрни танлаш ихтиёрини берган. У ана шу ихтиёрни яхши ишларга боғласа, савоб олади. Агар ман қилинган ишни ихтиёр этса, жазога гирифтор бўлиши муқаррар.

Жаъфархон СЎФИЕВ,
Тўракўрғон тумани
“Исҳоқхон тўра” жоме
масжиди имом-хатиби



Жаъфархон Сўфиев 1982 йили Намангандаги түғилган. Намангандаги “Мулла Қирғиз” (ҳозирги “Ҳидоя”) мадрасасида таҳсил олган. 2022 йилдан бўён “Исҳоқхон тўра” жоме масжиди имом-хатибидир.

عن أنس بن مالك رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: « لا تباغضوا ولا تحاسدوا ولا تدابروا وكونوا عباد الله إخوانا ولا يحل لمسلم أن يهجر أخيه فوق ثلات أيام » (رواه البخاري)

Аразлашиш уч кун

Бизга ноҳақлик ёки зулм қилишса, бундан дилимиз оғриб, хафа бўламиз, балки ўша инсон билан алоқани узишга қарор қиласиз.

Суюкли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам мўминлар бир-бири билан уч кечаю уч кундуздан ортиқ хафалашиб юриши жоиз эмаслигини айтганлар. Чунки ўзаро зиддият авжига чиққан пайтда ҳис-туйғуларга эрк берилиш орага совуқчилик туширади. Шунинг учун бизга зиддият марказидан узоқлашиш, тинчланиб ўзига келиб олиш, обдон ўйлаб кўриш ва вазиятни таҳлиш қилиш, кейин афсус-надоматни келтириб чиқарадиган хатога йўл қўймаслик учун уч кун мухлат берилган.

Бироқ хафалашишнинг диний ёки шаръий сабаби бўлса, у ҳолда зиддиятнинг ечимиға кенгроқ ёндашилади. Бундай вазиятда мўминлар, қуидаги ҳадисларга қатъий амал қилиши керак:

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “*Бир-бирингизни ёмон кўрманг. Бир-бирингизга ҳасад қилманг. Бир-бирингизга қарши тадбир қилманг. Эй Аллоҳнинг бандалари! Биродар бўлинг! Мусулмон учун ўз биродаридан уч кундан ортиқ аразлаб юриши ҳалол эмас*”.

Абу Айюб Ансорийдан ривоят қилинади: «*Расуллурроҳу соллаллоҳу алайҳи ва саллам: Мусулмонга ўз биродаридан уч кундан ортиқ аразлаб юриши ҳалол эмас. Учрашганларида униси ҳам юз ўғиради, буниси ҳам юз ўғиради. Уларнинг яхиси аввал салом берганидир*», дедилар».

Шуни унутмаслик керакки, бу дунёда энг олий мақсади иймонли бандаларни йўлдан уриш бўлган шайтон мўминлар бир-бири билан жанжал қилса ва хафалашса, беҳад хурсанд бўлади. Аллоҳ таоло наздида эса, ярашишга биринчи бўлиб қадам кўйган банда яхши мусулмондир.

Алимардон ҲАЙИТОВ тайёрлади.

Ҳар ерни қилма орзу...

Бугун минглаб юртдошларимиз оиласини боқиши ва яхши яшаш учун Россия, Корея, Америкаю Европада меҳнат қилмоқда. Омади келиб тўкин-сочин яшаётганлар, иш тополмай саргардон юрганлар ё ўзи ялло қилиб, оиласидан ҳабар олмаётганлар ҳам топилади.

Айниқса, охирги пайтларда Америка Кўшма Штатларига кетиш “тренд”га чиқди. Бу йўлда кимдир “Грин кард” ёки шу каби йўллар билан кетаётган бўлса, айланма йўллар орқали ноқонуний боришга уринаётганлар ҳам бор. “Сехрли диёр”га айланма йўлдан олиб бориш хизмати 20–60 минг доллар. Бу пулни топиш учун уйини ёки борини сотиб кетаётганлар анча. Бунинг ортиданчув тушаётганлар, манзилга етолмай ярим йўлдан ортга қайтаётганлар ёки бошқа юртларда сарсон бўлаётганлар ҳам кам эмас.

АҚШга минг азобда етиб борганларни ҳам ҳеч ким қучоқ очиб кутиб олмайди. Нари борса, ҳайдовчилигу бирор оддий хизматчи бўлар. Буларнинг барчаси минг маشاққатларга, ҳаётини хавфга қўйишига арзийдими?!

Мўмин киши бирор иш қилишидан олдин етти ўлчаб бир кесади, динимиз кўрсатмаларига тўғри келиш-келмаслиги, ишининг паст-баландини таҳлил қилиб, шунга кўра иш тутади.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади. Пайғамбаримиз Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ҳар бир нарса учун қурол-аслаҳа бор, ақл мўминнинг қуролидир. Ҳар бир нарса учун улов бор, ақл кишининг уловидир. Ҳар бир нарса учун асос бор, диннинг асоси ақлдир. Ҳар бир қавмнинг шиори бор, бандаларнинг шиори ақлдир. Ҳар бир савдогарнинг сармояси бор, ғайратли савдогарнинг сармояси ақлдир. Ҳар бир уй аҳли учун қўриқловчи бор, сиддиқлар хонадонининг қўриқчиси ақлдир. Ҳар бир ҳаробани обод қилгувчиси бор, охиратни

обод қилгувчиси ақлдир. Ҳар бир кишининг унга нисбат бериладиган зурриёди бўлади ва ўша зурриёди билан эсланади. Сиддиқларга нисбат бериладиган ва улар эсланадиган зурриёд ақлдир. Ҳар бир мусофири учун бошпана бор, ақл мўминнинг бошпанасидир”, деганлар.

Аллоҳ таоло инсон зотини мана шу ақл туфайли мукаррам этиб, уни барча жонзотлардан афзал қилди. Ақлни ишлатиш, ҳар бир ишда тадаббур, мулоҳаза қилиш – мўминга хос хислат.

Юқоридаги каби охирини ўйламай иш қилаётган, ўзини ҳам, яқинларини ҳам қийин аҳволга солиб, хорижга отланаётганларни тадбирли, мулоҳазакор дейиш мумкинми? Айниқса, неча йиллаб хорижда юриб, оиласидан хабар олмайдиган қийинчиликка, аросатга солиб қўйганларни нима дейиш мумкин?!

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: “...уз кўлларингиз (бахиллигингиз) билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз!..” (Бақара сураси, 195-оят), дея амр қилган. Аммо орамизда бу амрнинг тескарисини қилаётган, тақдирига енгил қараётганлар оз эмас.

Ҳар бир эр-йигит учун оиласини боқиши, меҳнат қилиш фарздир. Бу йўлда четда ишлаши ҳам мумкин. Бунга “У сизларга Ерни бўйсундириб қўйган Зотдир. Бас, унинг турли жойларида юринг ва Унинг ризқидан енг!” (Мулк сураси, 15)-ояти далил.

Уламоларимиз хорижда ишлашнинг ҳукми ҳақида ҳам тўхталиб, бундай деганлар. “Бугунги шарт-шароитлар иnobатта олиниб, ўз мамлакатида энг зарурий тирикчилик воситаларига эга бўлмаса, мухтоҷликка тушиб қолса, бошқа ўлкаларда ишлаш жоиз ва бу узрли ҳолдир”, деганлар. Бунинг учун оиласи азият чекмаслиги, асло нафақасиз ташлаб қўйилмаслиги зарур. Чунки аёлнинг нафақаси эркакка фарздир. Бу хусусда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Киши ўз қарамоғидагиларини

нафақасиз ташлаб қўйиши унинг қаттиқ гуноҳкорлигига кифоя қиласди” (Имом Абу Довуд ривояти), дея огоҳлантирганлар.

Аммо ўз юртида тирикчилиги бўлатуриб, ўзга юртларга мол-дунёни кўпайтириш, роҳат-фароғат мақсадида кетса, бу ишда кароҳият бор дейилган. Афсуски, бугун молу дунё умидида кетаётганлар кўп. Чунки иши озгина юришмаган ёки топиш-тутиши бироз камроқ киши борки, қаноат қилиш ўрнига четга кетиш пайида. Хорижда гўё ҳамма нарса муҳайёдек.

Бир танишимизнинг ўғли тайёр ишини ташлаб Россияга кетди. Ҳар йили ишлаб келиб камини ямайди. Уй қуради, тўй қиласди. Эрта баҳорда яна Россияга отланади. Ҳеч ками битмайди. Буёқда болаларнинг тарбияси кемтик бўлиб қоляпти...

Шуниси аниқки, ҳар бир йигит ёшлигидан касб-хунар ўрганса, илм олса, чет тилини ўрганса, хор бўлмайди. Хоҳ четда, хоҳ ўзимизда бўлсин, ишини топиб кетади.

Асосийси, ризқ Аллоҳдан эканига иймон келтириб, ҳалол ризқ пайида бўлса, буни Аллоҳдан астойдил сўраб, ҳаракат қилса, Аллоҳ беради. Қуръони каримда: “...Бас (шундай экан), сизлар ризқни Аллоҳ даргоҳидан истанглар ва Үнгагина ибодат қилинглар ва Үнга шукр қилинглар!” (Анкабут сураси, 17-оят), дея марҳамат қилинган.

Хайруллоҳ САТТОРОВ,
ЎМИ Самарқанд вилояти
вакили ўринбосари



Хайруллоҳ Сатторов 1972 йили Самарқанд вилояти Жомбой туманида туғилган. 1995 йили “Имом Бухорий” мадрасасини битирган. Турли жомеларда имом-хатиб, Жомбой тумани бош имом-хатиби бўлиб сама-

рали ишлади. 2017 йилдан бўён Ўзбекистон мусулмонлари идораси Самарқанд вилояти вакилининг ўринбосаридир.

Бўйрачининг бир бои “ўзули”

Халил бўйра тўқирди. Жойнамози бўлмаган намозхонни кўрса, дарҳол бўйрадан жойнамоз тўқиб, совға қиласди.

Бир куни ажиг туш кўрди. Умуртқасидан ток новдаси ўсиб чиқиб, унда бир бош ўзум етилибди. Кишилар ундан қанча келиб ейишмасин, тугамас эмиш. Бу кўп бора тақрорлангач, бир шайхнинг ҳузурига бориб, таъбирини сўради. Шайх ундан:

- Фарзандинг борми? – деб сўради.
- Ҳа, икки ёшли ўғлим бор, – деб жавоб берди Халил.

– Уни Мисрдаги ал-Азҳар университетида ўқитгин. Иншоаллоҳ, яхши инсон бўлади, – деб тайинлади шайх.

Шундай ҳам бўлди. Халил ўғлини ал-Азҳарда ўқитди. Бола саккиз ёшида Қуръонни ёд олди. Мусҳафи шарифни Имом Осимдан Ҳафснинг ривояти асосида қироат қилиб, биринчи бўлиб магнит тасмасига ёздирди. Шу сабабли Аллоҳ бу меҳнатига машҳурлик ато қилди. Унинг қироати бутун дунёга ёйилди. Кейинчалик бошқа қироатларни ҳам магнит тасмасига туширди.

“Ўргатувчи” услугида ҳам Қуръонни биринчи бўлиб магнит тасмасига ёздирди.

Биринчи бўлиб Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Қуръон ўқиди ва пешин вақтида аzon чақирди.

Қуръон қироатига бағишилаб қатор асарлар битди. Унинг қарийб 55 йиллик Қуръон билан қилган сафари 1980 йил 23 ноябрда ниҳоясига етди.

Бу улуғ қироат соҳиби Маҳмуд Халил Ҳусарий раҳимаҳуллоҳдир. Биз мўмин-мусулмонларни ҳали ҳамон ўша “бир бош ўзум”дан баҳраманд этаётган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!..

**Манбалар асосида
Муслима МИРКОМИЛ қизи
тайёрлади.**

Оят-ҳадисларга қулоқ солдингми?..

АЙЛАНАЙИН

Қадим-қадим кўп халқларга карвон элим,
Ўз карвонин етаклаган сарбон элим.
Бўйган эди неча йиллар армон элим,
Үйғондинг-ку кўп асрлик ғафлатингдан.
Айланайин янги қурган давлатингдан.

Бирин-кетин келаверсин тўртта фаслинг,
Тилин, динин йўқотмасин ҳар бир наслинг,
Туркийларнинг бош бўғини эрур аслинг,
Дунё ибрат олсин кўрку нусратингдан,
Айланайин хур баҳорим, бу баҳтингдан.

Ибодуллоҳ, билсанг баҳтингдир шу Ватан,
Номус-оринг, тожу тахтингдир шу Ватан,
Жон-жаҳонинг ҳамда аҳлингдир шу Ватан,
Ўзбекистон деб аталган хилқатингдан,
Айланайин, Аллоҳ, берган давлатингдан.

Ибодуллоҳ ФАРМОН,
Хатирчи тумани

САЛАВОТ АЙТГАНЛАР ЮТАР...

Бешиқдан қабргача илм исташни,
Чинга бориб бўлса-да, илм излашни,
Зулматда зиёнинг йўлини кўзлашни,
Васият қилганлар Сарвари олам –
Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

Етим-есирларнинг бошин силашни,
Ҳалол ва ҳаромни яхши фарқлашни,
Ҳақ билан ноҳақни таниб-ангашни,
Васият қилганлар Сарвари олам –
Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

Ҳадислар умматга одоб макони,
Олимларга тубсиз илмнинг кони,
Мўъжизалар – Буюк Мавло эҳсони,
Бизларга шафоатчи Сарвари олам –
Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

Аллоҳ, фаришталар салавот айтар,
Йўллаган саломимиз бизларга қайтар,
У зотга эҳтиром кўрсатган ютар,
Бизларга шафоатчи Сарвари олам –
Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

Олдинги, кейинги гуноҳлари ўтилган,
Хурматига Ҳавзи Кавсар ато этилган,
Номи азалдан Махфуз Лавҳга битилган,
Бизларга шафоатчи Сарвари олам –
Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

Ҳамза Исмоил ўғли ЭШНАЗАРОВ,
Мирзаобод тумани

НАСИҲАТ

Отангни дардига малҳам бўл, ўғлон,
Онангни зор этиб йиғлатма зинҳор,
Доим ҳамроҳ бўлсин номус ила ор,
Сен улар дардига бўлгин шифокор...

Иккисин ардоқла, дуоларин ол,
Ҳар нечук сўз деса, келмасин малол.
Боларидек йиғиб келсанг ҳамки бол,
Уларга сен доим бола бўлиб қол.
Фарзандларинг сендан олади ибрат,
Сен ҳам дуогўйсан – келади фурсат.
Дуоларин ўрган, улар ғанимат,
Сўнгра... кўп аттанглар келтирас ғафлат.

Комилжон АҲМАДЖОНОВ,
Шаҳриҳон тумани

КЕКСАЛИК

Эй дўст, баҳор ўтар, келар мезонинг,
Сарҳисоб бўлади орзу, армонинг.
Эл аро оқсоқол бўлар унвонинг,
Ҳар ким кексаликка етсин, биродар.

Кексалик нелигин билиб олдингми,
Оят-ҳадисларга қулоқ солдингми?
Шукру тавбани кўп айтиб қолдингми...
Ҳар ким кексаликка етсин, биродар.

Кексалик ҳаётнинг саодатидир,
Яратган Аллоҳнинг иноятидир.
Дуо қилмоқ мўмин ибодатидир –
Ҳар ким кексаликка етсин, биродар.

Инсон не умидлар, орзу қиласи,
Гарчи рӯёбини Аллоҳ билади.
Абдукарим, тинмай айтгим келади,
Ҳар ким кексаликка етсин, биродар.

Абдукарим ЖУМАБОЕВ, Марғилон шаҳри

ҚАЙДАН ТОПАСАН?

Изласанг мол-давлат, ошна – топасан,
Тоғлару гулзорлар узра чопасан,
Манзилингга етиб, бегам ётасан,
Лек ота-онангни қайдан топасан?

Ҳаётинг беташвиш, чунки улар бор,
Баҳтингни тилашар Аллоҳдан минг бор!
Ярим тун қайтсанг-да, кутишар бедор,
Бундайин меҳрни қайдан топасан?

Гар жонинг оғриса, бўзлагай онанг,
Зинҳор иккиланмай, жон тикар отанг.
Уларга азобдир сенинг оҳ-ноланг,
Бундайин қалқонни қайдан топасан?

Юмушим кўп дея ҳар ён чопасан,
Гоҳида ўзингни олиб қочасан.
Бир куни йўқотиб, ғамга ботасан,
Сўнг уларни, айтгин, қайдан топасан?

Сайфиддин ЙЎЛДОШЕВ, Наманган тумани

Куддусий
Аҳмад АФАНДИ

МУНОЖОТ



Эй раҳмати кенг Подшоҳ,
Гуноҳим-ла келдим Сенга.
Қилдим қанчалар гуноҳ,
Гуноҳим-ла келдим Сенга.

Субҳон Аллоҳ, Раҳмон Аллоҳ,
Ҳар дардимга дармон Аллоҳ!
Қилдим қанчалар гуноҳ,
Гуноҳим-ла келдим Сенга.

Ҳаддан тажовуз айладим,
Гуноҳ дарёсин бўйладим.
Яхшилик йўлин бойладим,
Гуноҳим-ла келдим Сенга.

Сендан уялмадим ҳамон,
Қилдим хато хуфя, аён.
Солма юзимга – Ал-Омон!
Гуноҳим-ла келдим Сенга.

Гарчи менда фисқу фужур,
Айбу хато, иллат, қусур.
Лекин Сенинг исминг Фоғур,
Гуноҳим-ла келдим Сенга.

Айбим ила тўлди жаҳон,
Сенга аён – зоҳир, ниҳон.
Эй лутфи бехад Мустаъон¹,
Гуноҳим-ла келдим Сенга.

Исминг СенингFaффор экан,
Айб яширап Саттор экан.
Кимга борай – Сен бор экан?
Гуноҳим-ла келдим Сенга.

Ҳеч Сенга қуллик этмадим,
Ризонг сорига кетмадим.
Амру фармонинг тутмадим,
Гуноҳим-ла келдим Сенга.

Исён, гуноҳ қилгум харид,
Бандадирман баттол, палид.
Аммо ҳеч узмасман умид,
Гуноҳим-ла келдим Сенга.

**Туркчадан Абдумурод ТИЛАВ
таржимаси**

¹ Мустаъон – ёрдам қилувчи, сўралувчи Зот.

Паҳлавон Маҳмуд (1247–1326) – улуғ шоир ва мутафаккир. Бу муҳтарам зот Хивада туғилган ва шу шаҳарда вафот этган.

“Маноқиби Маҳмуд Пурёрвалий”да ёзилишича, Паҳлавон Маҳмуд олим, ҳикматгўй шоир, қураги ерга тегмаган паҳлавон бўлиб, рўзғор таъминоти учун пўстин ва телпак тикиб, тирикчилик қилган.

Шоирнинг форсийда ёзган рубоийларида Куръони карим ва ҳадиси шариф маъноларининг таъсири қучлидир. Паҳлавон Маҳмуд рубоийларини ўзбекчага Тўхтасин Жалолов, Муинзода, Васфий, Матназар Абдулҳаким, Эргаш Очилов таржима қилишган.

Паҳлавон МАҲМУД

РУБОИЙЛАР

Ё Раб! Умрим дарахтин сувсиз, паст айламагин,
Ё Раб! Тирикмиз, шукр, бу шаробдан маст айламагин,
Раббим! Фазлу қараминг-ла биз¹ жавонмардларни²
Муҳтоҷу паришон мағлуби даст айламагин!

* * *

Эй, Дўст! Агар сўрасанг, Сенга жоним берайин,
Азиз бўлган нейим бор, тила, Сенга борим берайин.
Эй, бадният коғир! Агар олдимга келсанг,
Зуннор ҳам боғлаб, Сенга “иймон”им берайин.

* * *

Аё, хожа! Сен бу оламда қандоқ бехабардирсан,
Кеча-кундуз мол-дунё дардида кўру кардирсан.
Бу жаҳондин элтар биргина нарсанг – кафан,
У ҳали аниқмас, кафан-ла кетарсан ё бекафان.

* * *

Ёмон билан ўтирма, бўл унга буткул бегона,
Бўл хушёр! Тузогига тушарсан, гар есанг дона.
Ўқ – ўзи тўғрилигидан, камон эгрилигин кўрди-ю,
Қара, ибрат ол: қочди бўлмай дея унга ҳамхона.

* * *

Токи сенда рашку³ эр деган ном бордир,
Зинхор аёл, қизингни кўча кездирма, ордир.
Қайси шоҳ гар девор ошиб ўтгудек бўлса,
Мевасидан эрта-кеч ким ўтса, умидвордир.

Форсчадан Баҳриддин УМУРЗОҚ таржималари

¹ Аслиятда “жумла” (“барча”), аммо бу ўринда муаллиф ўзига маънан йўлдош бўлган солихларни, яъни жавонмардлик тариқати ахлини, шунингдек, ўзининг шогирдларини ҳам назарда тутмоқда.

² Ахли риёзат, ахли маъни, солихлар.

³ “Ғайрат” сўзи бу ерда “рашқ” маъносида келган. Рашқ – ўз аёли ва киз яқинларини номаҳрамлардан қизғаниши, асраридир.

Ислом Ва олам

Кримда энг йирик масжид

Шу кунларда Симферопол шаҳаридаги жоме масжид қурилиши яқунланмоқда.

Ободонлаштириш ишлари 90 фоизга бажарилди, ички пардозлаш ишлари давом этмоқда. 2016 йили бошланган жоме қурилиши сентябрь ойи охирига бориб яқунланади.



Крим Республикаси раҳбари Сергей Аксёнов сўзларига кўра, ушбу масжид Крим ва Симферополнинг асосий Жума масжидига айланади.

Масжиднинг умумий майдони 2 минг квадрат метр. 4 минг кишига мўлжалланган. Асосий хонақоҳ 1,5 минг намозхонни сифдиради.



Ҳаво тозаловчи қурилмалар

Масжиди Набавийга ҳавони хушбўйлантирувчи ақлли қурилмалар ўрнатилди. Улар зиёратгоҳ ҳудудини тоза ҳаво билан таъминлайди, деб ёзади IslamNews.

Масжидга ёндош иншоотларга ҳам худди шундай қурилмалар ўрнатилди. Бундан ташқари, масжид атрофида 245 та юқори технологияли салқин буғ пуркайдиган соябон ишлаб турибди.

Ҳалол тадбиркор

Жорий йил феврал ойида кузатилган зилзила Туркияда яшовчи сурялийк тадбиркор Умар Абдулқодирнинг тижоратига катта зарар етказди.

У талафотни қоплаш учун суғурта компаниясига мурожаат қилди. Компания эса унга 716 000 доллар товон пули тўлаб берди. Аммо бу маблағ у сўраган суммадан анча кўп. Бу хатоликни пайқаган тадбиркор ортиқча пулни компанияга қайтарди.



“Очиқ ошхона” лойиҳаси

Покистонлик Иҳсон Шаҳид Чоудри муҳтоjlарга овқат тарқатувчи “Очиқ ошхона” хайрия лойиҳаси учун Британия империяси орденини олди.

“Муҳтоjlарга ёрдам бериш шарафдир. Покистонда ота-онам ва ўқитувчиларим доимо бошқаларга ёрдам беришни ўргатишган. Ҳозир ҳар куни юзлаб одамларга овқат тарқатамиз, бунинг ўзига хос завқи бор”, деди у.



Ўзига хос хайрия

Англиянинг Олдхем шахри мусулмонлар жамоаси янги масжид қурилиши учун маблағ йигишининг ноодатий усулини ўйлаб топди.

Улар Буюк Британиядаги энг баланд Сноудон тоғига жамоавий чиқиши акциясини ўюштириди. Бу билан янги масжид қуриш учун 40 минг фунт стерлинг йиғишига эришилди.

Яшил энергияга 50 миллиард

Бирлашган Араб Амирликлари дунёда қайта тикланаидиган энергия лойиҳаларини ривожлантиришга 50 миллиард долларлик сармоя киритди.

Шу ҳақда БАА энергетика ва инфратузилма вазири: “Биз 70 та давлатга узатиладиган қайта тикланувчи энергия манбаларини кенгайтириш учун 50 миллиард доллар ажратдик. Шунингдек, бу лойиҳаларни тезластириш учун 2035 йилгача қўшимча яна 50 миллиард доллар маблағ йўналтириш кўзда тутилган”, дейди у.

Қозогистонда янги марказ



Қозогистоннинг Тароз шаҳрида янги таълим ва ривожланиш маркази қурилишига тамал тошини қўйди.

Марказ таркибига масжид, шаҳар ёшларига таълим-тарбия беришга ҳисса қўшадиган маърифат мактаби ва “Вақф” хайрия фонди киради.

Яқин Шарқдаги энг яхши юрт



12-ўринларни эгаллаган. Саудия Арабистони 28-ўрин, Қатар 31-ўрин, Кувайт эса охирги ўринда жойлашган.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

Сафажойда янги анъана

Нижний Новгород вилюятидаги татар қишлоқларидан бири бўлган Сафажойда мажлис ўтказишнинг янги анъанаси пайдо бўлди. Бу ҳақда IslamNews маълум қилди.



Унга кўра, мажлислар бола туғилганда, бирор киши вафот этганида, юбилей, кўчуб кетиш ва шу каби йифинлар муносабати билан ўтказилади. Унда имомлар Қуръон ўқииди, уй эгалари ва ота-боболари ҳақига дуо қиласи.

Сафажой имом-хатиблари мажлисларда йиғилган маблағларни камбағалларга ёрдам беришга ва давлат объектларини таъмиглашга сарфлайди.

Баҳрайн Яқин Шарқ минтақасида яшаш учун энг яхши юрт сифатида тан олинди.

Шу ҳақда InterNations онлайн платформасининг 2023 йилга мўлжалланган тадқиқотида айтилди. Ушбу рейтинг 12000 нафар мусоифир ўртасида ўтказилган сўров асосида тузилган.

Рейтингга жами 53 давлат киритилган. Бирлашган Араб Амирликлари ва Уммон жаҳон рейтингида 11- ва

Тарихи Мұхаммадий

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

АСИРЛАР ҲАҚИДА МУЗОКАРА

Хар икковлари қаттиқ ваяда қилишдилар. Бу сирни ҳеч кимга айтмаста қасам ичди-лар. Сүнгра Умайр шу иш қасида қиличини қайраб, захар билан сугорди. Шу билан йўлга тушиб, тўғри Мадинага келди. Шу чоғда ҳазрати Умар бир неча саҳобалар билан Бадр урушида ўтган ишлардин сўзлашиб ўлтиришган эди. Қарасалар, қилич тақинган бир киши масжид олдига келиб туясини чўқтирилди. Ҳазрати Умар дарҳол уни таниб айтдиларким:

– Бу Худо душмани Умайрга ўхшайди. Бунинг келиши яхшилик эмасдур, бир ёмонлик нияти билан келгай, – деб дарҳол Расулуллоҳга хабар берди. Расулуллоҳ уни келтирмоққа буюрдилар. Ҳазрати Умар қиличини бир қўлида, яна бир қўли билан унинг ёқасидан тутиб, олди-орқасидан ансор саҳобалар ўраган ҳолда олиб келдилар. Расулуллоҳ қарасалар, ҳазрати Умар қиличининг боғи билан бўйнидан бўғиб ушлаб турибдур.

– Эй Умар, уни бўш қўй, яқинроқ келсин, – дедилар. Ўша ондин сўнгра Пайғамбаримиз олдиларига келиб араб одатича:

– “Инъамун сабоҳан”, – деди. Бу сўз ислом дини келмасдин илгариги араблар саломи эди. “Эртангиз юмшоқ ўлсин” демакдир. Анда Расулуллоҳ:

– Бунинг ўрнига ундин яхшироқ саломни Аллоҳ таоло бизга берди. Жаннат аҳли шу ила ўзаро саломлашгайлар. Эй Умайр, нима учун келдинг? – деб сўрадилар. Анда ул айтди:

– Ўғлим Ваҳб Бадр урушида асир тушмиш эди, бу тўғрида сизлар билан келишгани келдим. Унга бирор яхшилик қилғайсизму? – деди. Расулуллоҳ айтдилар:

– Андоғ бўлса, қилич тақиб келишинг қандайдур? Ул айтди:

– Қилични Аллоҳ қуритсин, ул бизга

ўтган урушда нима асқотди? Ўз одатимча тақинмиш эдим. Яна Расулуллоҳ сўрадилар:

– Тўғри айтгил, тўғри сўзлагил, қайси иш қасида келмиш эдинг? Ул:

– Айтмиш ишимдан ўзгани ўйлаганим йўқдир, – деди. Анда Расулуллоҳ айтдилар:

– Сўзинг ёлғондур, балки иш бундоғдур: Бир куни сен Каъба олдида Сафвон билан бирга ўлтиридинг. Бадр урушида ўлдирилиб, қудуққа ташланган кишиларни эслашиб йиғлашинглар. Анда сен: – Устимдаги ўтнам (қарзим) бўлмаса, мендин кейин оиласарим оч қолишидан қўрқмасам эди, Мадинага бориб, Мұхаммадни ўлдириб келур эдим, – дединг. Сафвон сендин бу сўзни онглаши билан: – Агар бундоқ қилур бўлсанг, ўтнанг бўйнимга, бола-чақанг нафақаси ўлгунимча устимга бўлсин, – деди. Энди сен мени ўлдиргали қасд қилиб келгандурсан. Аллоҳ мени бу ишдан асраб, буни бўлдурмағай, – дедилар.

Бу сўзни онглаши билан Умайрнинг кўнгли очилди: – Аниқ билдим, Аллоҳнинг пайғамбари экансан, – деб дарҳол иймон келтирид¹.

– Сенинг айтган сўзларингга илгари инонмас эдим, сен келтурган кўп хайрларни ёлғон деб билур эдим. Энди гувоҳлик берурман, сен Аллоҳнинг ҳақ пайғамбари экансан. Бу ишни Сафвон икковимиздан ўзга ҳеч ким билмаган эди. Ва ҳам буни билдирмасга онт ичган эдик. Аниқ билдим, бу ишни сенга Аллоҳ билдиримушдур. Йўқ эрса, буни ўзлигидан ким била олур эди? – деди.

Буни кўриб, Расулуллоҳ бошлиқ ҳамма саҳобалар суюнишдилар. Пайғамбаримиз Ислом динининг асосларини унга ўргатишни буюрдилар. Қуръондан бир неча сурани ўқиб ёд олди. Мусулмонлар қўлига асир тушган ўғли Ваҳбни озод қилдилар. Сўнгра Умайр:

– Ё Расулуллоҳ, мен ислом нурини ўчирмак учун кўп курашдим. Бу диндаги кишиларга қаттиқ қаршилик кўрсатиб, аларнинг кўнгилларини кўп оғритдим. Агар рухсат қилсангиз, Маккага бориб, халқни динга даъват қиласайин. Аллоҳдин умид шулдурки, алар ҳам бу йўлни қабул қилгайлар.

Агар қабул қилмасалар, илгари ҳақ динга қаршилик қилиб, мўминларга тўла озор берган эдим, энди унинг ўрнига буларга қарши туриб, озор бермакни ўзимга лозим кўрдим, – деб изн сўради. Расууллоҳ ҳам унга изн бердилар.

Сўнгра Умайр ўғли Вахбни бирга олиб, Маккага қайтди. Келгандин кейин мусулмонлигини барчага очиқ билдириди. Ўғли Вахб бўлса, отаси қўлида иймон келтириди, бутун оиласари билан Ислом динини қабул қилдилар.

Яна Абу Азиз ибн Умайр, бу киши дағи (ҳам) Бадр урушида қўлга тушган асиirlардан эди. Бу бўлса, улуғ саҳобалардан Мусъаб ибн Умайрнинг бир туғишган қариндошидур. Саҳобалардин бировлари буни асир олмиш эди. Мусъаб ибн Умайр унга айтди:

– Сен бу асиiringни зинҳор бўш тутмагил, яна қочиб қутулмасин. Буни суйган мол-дунёлик бой онаси бордур. Фидя учун ҳар қанча мол сўрасанглар, уни бермакка қудрати етар. Бунинг сўзини онглаб:

– Эй оға, қариндошликининг ҳаққи шундай бўлурми? – деди. Оғаси дегандек онаси тўрт минг танга пул юбориб, ўғлини асирикдан кутқазиб олди.

Яна Пайғамбаримизнинг амакилари Аббос бин Абдулмутталиб ҳам Бадрда асир тушганлардан эди. Қўл-бўғови қаттиқ боғланганлигидан кечаси инграб ёта олмади. Бунинг товушидан Расууллоҳнинг раҳмлари келиб, у кеча ухламадилар. Саҳобалардан бировлари:

– Ё Расууллоҳ, на учун уйқунгиз бу кеча қочибдур? – деганида:

– Аббоснинг инграшини эшитмадингми, у менинг уйқумни қочирди, – дедилар. Буни англаган мўминлардан бир киши тура югуриб, Аббоснинг бўғовини бўшатди. Шу қаторда барча асиirlарнинг ҳам бўғовларини бўшатдилар. Сўнгра Пайғамбаримиз ундин икки киши учун фидя моли беришни талаб қилдилар. Бириси ўзи учун, иккинчиси – оғаси Абу Толиб ўғли Оқил учун эди. Анда Аббос айтди:

– Фидя молини биздин нечук олғайсиз? Биз бу урушга ўз ихтиёrimизча келмадик, кўпчилик халқ бизни чиқмоқча мажбур қилдилар. Анда Расууллоҳ айтдилар:

– Шариат ҳар ишнинг зоҳирига қарайди. Кўринишда бизга қарши туриб, душман

сафида бўлдинг, шунинг учун фидя моли бермасга чоранг йўқдур. Ундан икки қишилик мол олдилар. Фидя молларини тўлаб туғатгандин сўнгра, Аббос Пайғамбаримизга:

– Қурайш эли ичида мени энг факир қилиб қўйдинг. Бурун бой бўлсан ҳам, энди бутун умр ичи камбағалликда қолдим, – деди. Расууллоҳ айтдилар:

– Қайдин камбағал бўлурсан? Хотининг Умму Фазлга топшириб келган молинг эсингдан чиқдиму? Уйингдан чиқар чоғда “Бу сафарда мен ўлиб кетсан ҳам умр бўйи сенга етарлик мол қолдирдим” демадингму? Анда Аббос айтди:

– Аниқ билурман ва ҳам билган эдим, сен Аллоҳнинг чин пайғамбари дурсан, йўқ эса қайдин билдинг, хотиним Умму Фазлдан бошқа ҳеч бир жонга туйғузмаган (билдирмаган) эдим, – деди².

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ота бир түқкан қариндошлари – ўз амакилари Аббос ҳақида шундай адолат илиа иш кўрдилар. Ичи-таши билан душманчилик қилган бошқа ғанимлардан бу ишда унинг ҳеч қандоқ фарқи бўлмади. Йўқ эрса, Қурайш томонидан кўрсатилган мажбурият орқалик келгани Пайғамбаримизга маълум эди. Лекин Куръони каримнинг халқ аро тенглик-текислик ҳақида кўрсатган йўли, мўминларга унинг ўргатган адаби шудир.

Аллоҳ таоло Куръонда айтди:

بِأَيْهَا الَّذِينَ آمُنُوا كُوْنُوا فَوَّا مِنْ بِالْقُسْطِ شَهَدَاءَ لِلَّهِ وَلُوْ
عَلَى أَنفُسِكُمْ أَوْ الْوَالِدِينَ وَالْأَقْرَبِينَ

“Ё айюҳалазийна оману, куну қаввомина бил-қисти шуҳадоа лиллоҳи ва лав ало анфусикум авил-волидайни вал-акрабийн” [Нисо, 4/135]. Маъноси: “Эй мўминлар, ҳар ишда адолатлик бўлинглар, гувоҳликларингиз холис Аллоҳ учун бўлсин, ўзларингизга ёки ота-оналарингизга ё қавму қариндошларингизга зиён етгудек бўлса ҳам, адолат йўлидан чиқманглар,” демакдур.

Алихонтўра СОҒУНИЙнинг
“Тарихи Муҳаммадий” асаридан

Давоми бор...

¹ Ат-Табароний. Ал-Муъжамул-кабир, 17/56-62; Ибни Хишом. Ас-сийратун-Набавийя, 3/212-214.

² Аҳмад ибни Ҳанбал. Ал-Муснад, 1/353; Ал-Байҳақий. Ас-сунанул-кубро, 6/322.

Мавритания – соф араб тили сақланған ўлка



Мавритания Ислом Республикаси Африканинг шимоли-ғарбидаги давлат. Пойтахти – Нуакшот. Ҳудуди – 1031 минг квадрат километр. Маъмурий-ҳудудий бўлиниши – 12 вилоят ва Нуакшот автоном вилоятидан иборат. Аҳолиси – 3,30 млн. киши. Давлат тили араб тилидир.

Мавритания – ривожланаётган давлат. Унинг “Мавритания” деб аталиши тасодифий эмас. Аҳоли ўзларини ўрта асрларда Испания мусулмонлари бўлган маврларга алоқадор деб билади.

АҲОЛИСИ

Мавританияликлар Исломга эътиқод қиласди ва икки гурухга бўлинади. Мамлакат жанубидаги Сенегал дарёси қирғоғи аҳолиси (вороғ, тукулер ва сонинклар) деҳқончилик билан шуғулланади. Улар мамлакат аҳолисининг бешдан бир фоизини ташкил қиласди. Қолган аҳоли – чорвадор ва кўчманчилар – чўл ва даштларнинг кенгликларига тарқалиб кетган. Этник келиб чиқишига кўра, улар араб, барбар ва ғарбий африкалик аралаш бўлган маврлар ва туарегларга боғланади. Барбарлар шимолий ва шимоли-ғарбий Африкада милоддан авваллари ҳам яшаган. VII–VIII юзийилларнинг баъзи қабилалари араблар билан чатишиб кетган.

Уларнинг ҳаммаси Исломга кирган ва араб тилида гаплашишни одат қилган.

СОФ АРАБ ТИЛИ

Мавританияликларнинг лингвистик хусусияти шундаки, улар соф адабий араб тилида гаплашади. Уларнинг тилини араб нутқи намунаси дейиш мумкин. Кўплаб араб давлатлари аҳолиси турли шеваларда гаплашадилар. Арабларнинг оғзаки нутқи адабий тил меъёрларидан жуда узоқлашиб кетган, лекин бундан мавританлар мустасно. Улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонидан ўзларигача етиб келган нутқи услубини сақлаб қолишган ва соф адабий араб тилида гаплашишади.

ДИНИ

Мамлакат аҳолисининг 99,6 фоизи – мусулмон. Исломнинг кириб келиши милодий VIII асрда бошланган. Аҳолининг 0,1 фоизи африкаликларнинг анъянавий эътиқодларига (анимализм, фетишизм, тотемизм, табиат кучлари ва бошқаларга) амал қиласди. Насронийлик XVI–XVII асрларда тарқала бошлади.

ИККИНЧИ ЭНГ ҚАДИМ МИНОРА

“Шингетти” жоме масжиди XIII–XIV асрларда Мавританиянинг Адрар минтақаси Шингетти шаҳри асосчилари барпо этишган. Ушбу қадимий масжиднинг минораси мусулмон оламида доимий фойдаланиладиган иккинчи энг қадимги минора ҳисобланади. 1970 йилларда масжид ЮНЕСКО саъй-ҳаракатлари билан қайта тикланган, аммо шаҳар ва масжидга кучли чўлланиш жараёни ҳамон хавф солиб турибди.

Дамин ЖУМАҚУЛ
тайёрлади.